

САИДМУРОД СОАТОВ

РАПҚОН БОКС МАКТАБИ

**«Фарғона» нашриёти
2013 йил**

MAJBURIY NUSXA

УЎК 796.83(092) - **Бокс**
КБК 75.713 - **Бокс**
С73

СОАТОВ С.

С73 РАПҚОН БОКС МАКТАБИ: очерклар/

С. Соатов – Фарғона: «Фарғона» нашриёти 2013 й. -112 б.

Юртимизда Рапқон бокс мактаби ҳақида эшитмаган спорт ихлосманди бўлмаса керак. Фарғона вилоятидаги шу оддий қишлоқдан чиққан чарм қўлқоп усталари халқаро ареналарда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар. Уларнинг қўлга киритаётган ютуқларида ушбу мактаб асосчиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, тажрибали мураббий Рустам Мажидовнинг хизматлари беқиёс. Мазкур китобдан жой олган хотиралар ҳамда лавҳалар билан танишиб чиққан ўқувчи бунга тўла ва чин дилдан ишонч ҳосил қилади.


СОАТОВ С.

С73 ШКОЛА БОКСА РАПКАНА: очерки/ С. Соатов

– Ферғана: издательство «Фарғона», 2013 г. -112 стр.

Перевод Мирзахакима Тухтамирзаева

В нашей стране трудно найти поклонника спорта, который бы не слышал о школе бокса Рапкана. Мастера кожаной перчатки, вышедшие из обычного кишлака Ферганской области, достойно защищают честь отчизны на международной арене. В основе их успехов лежит самоотверженный труд основателя данной школы, члена Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, опытного наставника Рустама Мажидова. Познакомившись с воспоминаниями и зарисовками данной книги, читатель может сам убедиться в этом.



УЎК 796.83(092)

КБК 75.713

ISBN 978-9943-349-74-2

N1 31796
2 g1

©С. Соатов – 2013

©«Фарғона» нашриёти – 2013

КИРИШ

Ўзбек бокси тарихи ҳали бир асрлик йўлни босиб ўтгани ҳам йўқ. Шунга қарамай, бокс бизга худди ўзимизнинг бошқа қадимий миллий спорт турларимиздек қадрдон бўлиб кетган. Айни кунларда ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари жаҳон бокс рейтингда ўз ўринларига эгалар. Алоҳида ҳурматга муносиб саналадиган боксчиларимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда совриндорлар қаторидан жой олишлари одатий ҳолга айланиб қолгани сир эмас.

Йигирманчи асрнинг бошларида америкалик боксчи Сидней Лео Жаксоннинг юртимизга тақдир тақозоси билан келиб қолиши Ўзбекистонда спортнинг бокс турига илк пой-девор қўйилишига сабаб бўлди. Йиллар давомида диёримиздан кўплаб мамлакат чемпионлари, спорт усталари етишиб чиқди. Ва ниҳоят, жаҳон чемпионатида собиқ иттифок терма жамоаси таркибида ватандошимиз Руфат Рискиевнинг илк бора шоҳсупадан жой эгаллаши ўзбек боксининг келажаги порлоқлигидан, юртимизда бу спорт тури мухлислари кўплигидан далолат берди.

Истиклолнинг дастлабки йиллариданок боксчиларимиз кетма-кет салмоқли ғалабаларга эриша бошладилар. Албатта, бу собиқ иттифок даврида ўзбек бокси ривожига йўлига қўйилган сунъий тўсиқларга барҳам берилишининг самараси эди. Мустақилликка эришилганидан кейин бокс бўйича қўлга киритган ғалабаларимизга узок йиллар давомида озод юрт ҳисобланиб келган кўплаб тараққий этган мамлакатлар ҳам эриша олмаганлар. Айни кунларда бокс бўйича ўтказиладиган республикамиз чемпионатларини қўшни давлатлар мутахас-

сислари алоҳида эътибор билан кузатадилар. Жаҳон ва Осиё чемпионатлари, Олимпиада ёки Осиё ўйинлари олдида мусобақаларга Ўзбекистондан қайси вазнда ва кимлар бориши мумкинлиги билан қизиқувчи рақибларимиз ҳам мавжуд. Бу, албатта, ўзбек боксини жаҳон тан олганидан далолат бўлиши билан бирга Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг қувончли натижасидир. Барпо этилаётган спорт иншоотлари, халқаро мусобақаларда ғалаба қозонган чемпионларимизнинг аэропортда тантанали тарзда кутиб олинишларидан тортиб улар шарафига уюштирилаётган тақдирлаш маросимлари, оммавий ахборот воситаларида спорт тарғиботи тобора кучайиб бораётгани янгидан-янги муваффақиятларга замин ҳозирламоқда. Барча вилоятларда бокснинг кенг кулоч ёйиши, боксчиларимизнинг ўз услубларини кашф этиб рингга чиқишлари, соғлом рақобат юртимиз байроғининг ўзга юрт вакиллари нигоҳида баланд кўтарилишига, мадҳиямизнинг баралла янграшига сабаб бўлиб келмоқда.

БОКС МАКТАБЛАРИ

Бокс мактаби деганда, бокс билан шуғулланиш учун махсус қурилган бино назарда тутилмайди. Ҳар бир мактаб тарбияланувчилари ўзлари кашф қилган йўналишлари, услублари бўйича курашадилар. Бокс бўйича республика терма жамоаси сафига барча вилоятлардан ёшлар жалб этилади. Бунга сабаб эса ҳамма вилоят марказларида кўплаб бокс заллари борлиги, ёш боксчиларга барча шароитлар яратилганлигидир. Қолаверса, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, халқаро мусобақаларда ғолиблик шоҳсупасидан жой эгаллаётган спортчиларимизнинг муносиб тақдирланиб келинаётгани юртимиз ёшларини боксга бўлган қизиқишлари янада ошишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, Бухоро, Андижон бокс мактаблари вакиллари ҳам жаҳон ва Осиё чемпионатларида, олимпия ўйинларида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар.

Хусусан, Фарғона вилоятида учта бокс мактаби мавжуд бўлиб, булар Фарғона бокс мактаби, Қўқон бокс мактаби ва Рапқон бокс мактабларидир.

ҚАТЪИЯТНИНГ ҚУВОНЧЛИ САМАРАЛАРИ

Рапқон – Фарғона вилоятининг Бешарик туманида жойлашган бир кишлоқ. Ўзбекларда ўғил бола туғилса, полвон туғилди, дейишади. Рапқонда ҳам авваллари шундай эди. Айни кунларда эса, кишлоқда ўғил бола дунёга келса, аниқ қилиб, боксчи туғилди дейдиган бўлишган.

Таъкидлаш зарурки, бу ерда спортга муносабат ўзидан ўзи ўзгариб қолгани йўқ. Авваллари кишлоқда бокс зали туғул спортнинг бирон бир тури билан шуғулланиш учун шароит бўлган эмас. Тўғри, 1979 йили Рапқонда стадион қурилиб, унинг очилишига бағишлаган тантанали тадбир ўтказилган. Кишлоқнинг «Рапқончи» футбол жамоаси билан Тошкентнинг «Пахтакор» футбол жамоаси ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтган. Табиийки, «Пахтакор» 3:1 ҳисобида ғолибликни қўлга киритган. Республикамизнинг чекка бир кишлоғига таниқли ва севимли пахтакорчиларнинг ташриф буюришини катта воқеа дея баҳолаш мумкин. Лекин бунинг таъсирида «Рапқончи» футбол жамоаси ривожланиб кетди, дея олмаймиз. Жамоа анча йил вилоят биринчиликларида ўйнаб, ғолиб ва совриндорлар сафида юрди.

Спорт оламига Рапқон бокс туфайли танилди. Рапқондан бир эмас, бир неча жаҳон ва Осиё чемпионлари, совриндорлари, кўплаб Ўзбекистон чемпионлари, спорт усталари, бокс мураббийлари етишиб чиқди. Бундай юксак натижаларнинг бош сабабларидан бири шу кишлоқда оддий деҳқон оиласида туғилиб ўсган, ҳамкишлоқларидан ҳеч қайси жихати билан ажралиб турмайдиган Рустам Мажидовнинг спортга бўлган меҳридир.

Рапқон бокс мактабининг асосчиси Рустам Мажидов мураббийлик фаолиятини бошлаганида уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлганлар ҳам топилди. Эҳтимол, унга маслаҳат берганлар ҳолислик билан, яхшилик истаб гапиргандирлар. Тўғри-да, бокс умуман бўлмаган кишлоқдан жаҳон миқёсида тан олинадиган чемпионларнинг етишиб чиқишига ким ҳам ишонсин. Қолаверса, маслаҳатгўйлар ўзлари боксга кизиқишмаса, спортни бекорчиларнинг эрмаги деб ҳисоблашса.

Аммо Рустам ахдидан чекинмади. Унинг қатъияти, келажакка ишончи, матонати, орзу йўлидаги интилишлари маълум вақт ўтиб ўз самарасини берди. Бундай улкан режалар билан яшаётган кўллаб спорт мураббийларини учратиш мумкин. Ҳатто мамлакат чемпиони чиқариш орзусига эришолмаганлар қанча.

Рустам Мажидов жаҳон ва Осиё чемпионларини етиштириб чиқарганлиги билан кифояланиб қолишни истамайди. Ҳали орзулари бир олам. Олимпия ўйинлари ғолиблари, профессионал бокс бўйича чемпионлик камарлари эгаларини тарбиялаш ниятлари ҳам йўқ эмас. Кўрсатган хизматлари учун унга 2001 йили «Халқ таълими аълочиси», 2003 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвонлари берилган. 2004 йили эса жаҳон миқёсидаги бокс жанглариини бошқаришга лойиқ топилиб, «Халқаро тоифадаги ҳакам» унвонига эга бўлган. Шунингдек, 2009 йилда Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг депутати ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг аъзоси этиб сайланди.

Рустам Мажидовнинг спорт оламида тутган мавқеи ва шогирдларининг эришган ютуқлари, хусусан, Рапқон бокс мактабининг келиб чиқиши мамлакатимиз мустақилликка эришган йилларда содир бўлди.

Президентимиз, давлатимиз томонидан спортга қаратилаётган эътибор, айниқса, болалар спортини ривожлантириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бераётганлигига чекка бир кишлоқ болаларининг халқаро арена-ларда эришаётган ютуқлари мисолида гувоҳ бўлиш барчамиз учун қувонарлидир.

«РАПҚОН АЖОЙИБ ЖОЙ ЭКАН...»

Рапқонда Муқимийнинг «Саёҳатнома» шеърини ўқимаган, лоақал унинг тўрт каторини ёд билмайдиган одам топилмаса керак. Шунингдек, кўшни кишлоқларда, туман марказида ҳам бу шеърни ёддан айтиб бергувчилар кўп.

Улар «Саёҳатнома»нинг ўзлари учун кадрли сатрларини кўнгилларига жо қилиб олганлар.

Муқимий саёҳати чоғида таассуротларини шеърга муҳрлар экан, ҳар бир қишлоқнинг ўзига хос жиҳатларини аниқ тасвирлаган. Рапқон қишлоғи ҳам уни бефарқ қолдирмаган. Йиллар ўтди, замонлар ўзгарди. Ватанимиз кундан кунга чирой очиб бормоқда. Юртбошимизнинг энг чекка қишлоқларни ҳам обод қилишга қаратилган ғамхўрликларидан Рапқон ҳам баҳраманд бўлди. Муқимий тасвирлаган Рапқон манзаралари ва унинг бугунги қиёфаси ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бирок шеърнинг аввалидаги тўрт қатори барча замонларда ҳам ўз қучида қолаверса керак:

«Рапқон» ажойиб жой экан,
Бир кўча кетган сой экан.
Салқин суфа ҳой-ҳой экан,
Ким кўрса хангу-манг экан.

Ҳа, Рапқон ҳақиқатдан ҳам ажойиб жой. Бир кўча бўйлаб кетган сойдан ташқари энди машҳур Катта Фарғона канали ҳам айнан Рапқон қишлоғи бўйлаб ўтган. Табиати соя-салқин, шифобахшлигидан бир эмас, учта санаторий-профилакторий қурилган. Шифо излаб, дам олгани мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан юртдошларимиз келишади. Муқимийнинг юқоридаги сатрларини эҳтимол миллионлаб китобхонлар ўқишгандир. Тақдир шоирни қишлоғимиз бўйлаб юрғазиб қўйибдики, Рапқон шеърини сатрларда тарихда қолган. Юртимизнинг қай гўшасига борманг, адабиётга меҳри бўлакча зиёли қатлами Рапқон қишлоғи ҳақидаги ўша сатрларни ўқиган бўлиб чиқади. Қишлоқ аҳли бундан фахрланадилар. Бу табиий ҳол. Ўсиб унган юртига, ватанига бўлган муҳаббати сабаб фахрланса арзийди. Айни кунларда ҳам телевизорда қайсидир ҳудуддаги янгиликлар ҳақида гапирилса, шунчаки томошабин сифатида қабул қилишимиз, муносабат билдиришимиз мумкин. Аммо ўзимиз яшаб турган жой, биз таниган инсонлар ҳақида сўз борса, баён қилинаётган воқелиқдан хабардор бўлсакда, маълумотларни алоҳида эътибор билан тинглаймиз.

Агар Муқимий замондошимиз бўлиб, шу кунларда Рапқон қишлоғидан ўтганида, албатта, ўз шеърига Рапқон бокси ҳақидаги сатрларни қўшган бўлармиди...

Рустам Мажидов боксга бўлган қизиқиши, меҳри туфайли жаҳон чемпионларини тарбиялаб чиқаргунига қадар Рапқон қишлоғини шу ерда туғилиб ўсган таниқли инсонлар – филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов, фалсафа фанлари доктори, профессор Ахмадали Ғофуров, шоир Олтамиш Ўсаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Мамаюсуф Мадаминовлар юртимизга танитиб улгуришган.

Рустам Мажидов ҳам, «ўз шогирдларим билан қишлоғимни бунданда машҳур қиламан, жаҳонга танитаман» деб айтарди. Ҳамқишлоқлари эса кулиб қўйишарди.

* * *

Китобимизнинг кейинги қисмларида Рустам Мажидовнинг спортга кириб келиши, боксни ривожлантириш йўлидаги фаолияти билан боғлиқ хотиралари, шогирдлари ҳақидаги хикоялари бевосита қаҳрамонимизнинг ўз тилидан баён қилинади.

СПОРТДАГИ ИЛК ҚАДАМЛАРИМ

Болалигимда барча қишлоқ болалари каби баҳорда чопикқа чиқиб, ёзнинг жазирамасида далада меҳнат қилардим. Куз келиб мактабларда ўқиш бошланганида пахта терардик, қишда бироз ўқиб, кунлар жудаям совуб кетса, мактаб яхши иситилмаганидан вақтинчалик ўқишни тўхтатиб турардик. Кейинрок синф хоналарида пальтоларда ўтирса бўладиган илиқ кунлар бошланганида яна ўқишни давом эттирардик.

Зовурларда балиқ ушлаб, чўзмада чумчук отардик, молларга ўт ўрардик, кечки пайт эса мактаб стадионига бориб копток тепардик. Кунларнинг бирида мактабдаги устозларимиздан бири биздан безор бўлиб: «Катта бўлсанг сенларданам бирон тузукрок одам чиқармикан», деганларида, мен унга жавобан анча далил оҳангда: «Устоз, ҳали кўрасиз, мен мана шу мактабимиз томига самолёт кўндираман», деб жавоб қайтарганман. Шундан сўнг ўша устозим, гарчи самолёт кўндиришимга ишонмаган бўлсада, дадиллигим учун мени алоҳида хурмат қиладиган бўлган. Мени «учувчи болам» деб чақирардилар.

Дунё кезиш каби буюк орзулар ҳақида ўйлаш гуё хом ҳаёлдек туюларди. Аммо телевизорда берилаётган кўрсатувлар орқали атрофдаги воқеалар ҳақида тушунчалар ҳосил қилардик. Яхшиямки, чекка қишлоғимизга электр токи ўтказилган бўлиб, телевизор кўриш имкониятига эга эдик. Электр ҳам кундуз кунлари берилиб, тунда ўчириб қўйиларди. Баъзан эса кундуз кунлари ҳам электр токи бўлмаслиги мумкин эди. Шу зайлда умр ўтарди. Бунга кўникиб кетгандик. Ёз кунларида чўмилиб, боғларда ўйнаб-кулиб юришимиз-у, қишда қорбўрон ўйнашларимиз ҳаёт қийинчиликларини унутишга ёрдам берар экан, бизга гўёки аслида ҳаёт шундай бўлиши керакдек туюларди.

Ҳозирги кунга келиб дунё кезиб, тараққий этган мамлакатлар турмуш тарзини кўриб, ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олдик. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок юртимизда ўтказила бошланган туб ислохотлар, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан спортга берилаётган эътибор ҳамда ўзбек фарзандларининг халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари ҳақида ҳар қанча мамнуният, шукроналик ва ифтихор билан сўзласак арзийди.

Баъзан ўйлаб қоламан, ҳозирги яратилган шарт-шароитлар бизнинг болалигимизда бўлганда нималарга эришган бўлар эдим? Ёдимда, телевизорда бокс мусобақаларини кўриб, ўзимизча машк қилгандек бўлардик. Ҳавас қилардик. 6-синфдалигимизда сочиқларни қўлимизга боғлаб олиб, бир-биримиз билан бокс тушардик. Руфат Рисқиев жаҳон чемпиони (1974й), кейинчалик эса олимпия ўйинларининг кумуш медали совриндори бўлганида (1976й) унга ҳавас қилганлар қаторида мен ҳам бор эдим. Аммо Рапқонда бокс тўғараги тугул бошқа спорт тури бўйича бирон мутахассис бўлмаганидан шунчаки орзу қилишнинг ўзи ҳам кулгили туюларди. Мактабда «Ким бўлсам экан?» деган мавзуда мустақил иш ёзиш топширилганда космонавт бўлишларига кўзлари етмасада кўпчилик болаларнинг космонавтлик касбини эгаллашни исташлари ҳақида ёзишлари удумга айланган эди. Кейинчалик эса бу ҳақида ўйламай қўйишарди. Чунки космонавтлар нималарни билиши кераклигини сўзлаб берадиган, тўғри йўл кўрсатадиган мутахассиснинг ўзи бўлмаганидан кейин нимаям қилардингиз. Мен эса ўшанда «машҳур боксчи бўламан» деб ёзганман. Табиийки, ҳеч ким бунга аҳамият бермаган. Гўёки космонавт бўлишнинг иложи бор-у, боксчи бўлиш эртакдай.

Мактабни битиргач, 18 ёшимдан бокс билан бир бироз жиддийроқ шуғуллангандай бўлдим. Кейин ҳарбий хизматга кетдим. У ерда бокс билан мунтазам равишда шуғулландим. Ҳарбий хизматдан қайтгач, Фарғона давлат педагогика институтига ўқишга кирдим. Ана ўшанда бокс билан кўпроқ, астойдил шуғулланиш инконияти туғилди. Устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, Халқаро тоифадаги АИБА ҳаками Станислав Бутаев қўл остида бокс сирларини ўргана бошладим. Спорт устаси нормативини бажардим. Аввалига республика турнирлари чемпиони бўлдим, кейинчалик халқаро мусобақаларда иштирок этдим. Кумуш, бронза медалларини қўлга киритдим. Одатда рақибларим бир неча йиллардан бери бокс билан шуғулланаётган, юзлаб жанглар ўтказган боксчилар бўлишарди. Менга эса бокс билан кеч шуғулланишни бошлаганлигим, камроқ жанг ўтказганим, керакли малакам йўқлиги панд берарди. Болалиқда спорт билан шуғулланган бола барибир техник жиҳатдан шаклланган, жисмонан яхшироқ ривож-

ланган бўлар ва унинг йиллар давомидаги машаққатли меҳнати ўз самарасини бераверар экан. Мен боксчилик фаолиятим давомида шаклландим, чиникдим. Бокс сирларини нисбатан эгалладим дейишимга асос бор эди. Ҳатто мағлубиятлардан ҳам тегishли хулоса чиқарардим. Бу орада институтни тамомлаб, кўлимга диплом тегди.

Спортчиларга, аниқроғи яккакураш турлари билан шуғулланганларга одатда катта спортни тарк этишлари билан қуролли кучлар, ички ишлар идоралари каби ташкилотларда ишлаш юзасидан кўплаб таклифлар бўлади. Яхши маош, ҳурмат-эътибор, яна нима керак инсонга ўзи, дегувчилар кўпайиб қолади. Менинг шунга ўхшаш таклифларга жавоб қайтаришга шошмаслигимни кўпчилик тушуна олмас эди. Баъзилар, «Нархини ошираяпти, унданда яхшироқ жой қидираяпти, тўғри қилади», дейишарди. Мени ишга таклиф қилганларнинг барига, устозим Станислав Бутаевга ўхшаган мураббий, ҳакам, ҳақиқий чин инсон бўламан, дер эдим. Устозим менга мураббийлик енгил касб эмаслигини, кийинчиликларини тушунтирмоқчи бўлди. Аммо мен ўз қароримда қатъий турдим. Қишлоғимизга қайтиб келиб мактабга жисмоний тарбия ўқитувчиси лавозимига ишга кирдим.

Талабалик йилларимданоқ кишлоқдаги болаларга бокс сирларини ўргата бошлагандим. Ана ўшанда мени ҳеч ким тушуна олмай қолганди. Албатта, бундан оила аъзоларим мустасно. Ота-онам, турмуш ўртоғим менинг характеримни, орзуимни яхши билишгани учун бунга ҳечам ажабланишмаган. Отам ҳам боксни яхши кўрганлари учун менга: «Ўғлим, ёшлигингда қилган орзуингни албатта амалга оширгин. Йўқса бир умр армонда ўтасан. Амал, бойлик, обрў ҳали сени ўзи излаб келади», деган сўзларни тез-тез такрорлаб турардилар. Бу сўзлар эса мени янада руҳлантирарди. Мени танлаган йўлимдан қайтармоқчи бўлганларга қарши, «агрономнинг фарзанди агроном бўлиши шарт эмас. Балки у рассом бўлишни хоҳлар» деган фикрни олға сурардим. Мақсадим эса спортчи сифатида эриша олмаган орзуларимга мураббий сифатида эришиш эди.

МУРАББИЙЛИК ФАОЛИЯТИМ

1987 йилдан мураббийлик фаолиятим бошланган. 1990 йили кўлимга диплом теккач расман қишлоқ мактабига ишга жойлашдим. 44-ўрта мактабда бошланғич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия фанларидан дарс бера бошладим. Ишдан бўш пайтларимда болалар орасидан боксга қобиляти борларини танлаб олиб, машғулотлар ўтказардим.

Кўп вақтим далада ўтарди. Бизни қишлоғимиз ўзининг ўриклари билан донг таратган. Ўрик териб, мол-ҳол боқиб, пиёз экиб, буғдой ўриб кун кўрардик. Бу орада қанчадан-қанча болаларга бокс сирларини ўргатардим.

Ёшлигимизда «Қизил елканлар» номли эртак бадий фильмни севиб томоша қилардик. Асар қаҳрамони Асоль исмли киз отасининг эртақларига ишониб яшайди. Қизил елканли кемада шахзода келиб олиб кетишига ишонади. Қизни таниган-билганларнинг бари эса уни девонага чиқариб қўйишади. Хаёлларига кўмилиб яшаётган киз ҳақида тағин нима ҳам дейиш мумкин. Атрофдаги одамларни ҳам тушунса бўлади. Шахзода қандай қилиб ўзидан-ўзи келиб оддий қишлоқ кизини олиб кетсин. Тағин уни кўрмай туриб севиб қолган бўлсин. Яна айнан алвон ранг елканли кемада-я. Лекин Асоль кутган шахзода келади. Демокчиманки, орзуга эришиш учун унинг амалга ошишига чин дилдан ишониш лозим.

Шогирдларимнинг кўпчилиги охиригача бокс билан жиддий шуғулланишмас, мамлакат биринчиликларигача етиб борганлари эса ҳарбий хизматга бориб келгач милицияга, божхона хизматига ёки ҳарбийликка ишга кириб кетишар, мен бўлса янги, умидли ёшларни тарбиялашда давом этардим. Келажакда жаҳон ва Осиё, олимпия ўйинлари ғолибларини тарбиялашимни ҳаммага таъкидлардим.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, спортчиларимиз бирин-кетин халқаро турнирларда иштирок этишни бошлашлари, ғолиблик шохсупасидан жой эгаллаб қайтишлари менинг келажакка янада кучли ишонч билан қарашимга сабаб бўлди. Чунки авваллари жаҳон чемпионатида қатнашиш учун республика биринчилиги олтин медали камлик қиларди. Собик иттифок

биринчилигида катнашиш учун саралаш босқичларидан ўтиш керак эди. Мамлакат чемпионати эса жаҳон чемпионатидан ҳам қийинроқ кечарди. Республика биринчилиги, саралаш босқичларидан ўтиб, ниҳоят иттифок чемпионатига етиб келинганида орадаги танаффусларнинг камлигидан спортчилар толиқиб қолишар, жисмонан ўзларини тиклаб олишга улгуришмасди. Қолаверса, Ўрта Осиё республикаларидан келган боксчиларнинг имкониятлари камроқ бўларди. Масалан, агар рақибингни бир очко билан ютаётган бўлсанг, ёки очколар тенг бўлиб қолса, ҳакамлар бу ҳолатни кўпинча тасодиф деб ҳисоблашар ва ғалабани сенга эмас, рақибингга беришарди. Биз бунга ажабланмай қўйгандик. Шунинг учун ҳам фақатгина йирик фарқ билан аниқ ғалабага эришишга ҳаракат қилардик. Машҳур боксчи ҳамюртларимиз Руфат Рискиев, Владимир Шинларнинг шундай қийин шароитда эришган ютуқларини алоҳида эътироф этиш лозим. Уларнинг ғалабалари эътирозларга ўрин қолдирмаган. Олмалиқлик Владимир Шин қўлга киритган жаҳон кубогига ҳавас қилмаган боксчи бўлмаса керак.

Энди эса боксчиларимиз мамлакатимизда тенгсиз дея топилса кифоя, уларни жаҳон ареналари кутади. Шуларни ўйлаб, болаларни боксга жалб қилишда, улар орасидан алоҳида қобилиятлиларини танлаб олишда давом этардим. Лекин кишлоғимизда барибир керакли шарт-шароит йўқлиги панд берарди. Мен мактабда расман жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлганим билан шаҳардагидек бокс клубида мураббий эмасдим-да. Шунинг учун ҳам шароитдан келиб чиққан ҳолда шуғулланишга ҳаракат қилардик.

Мустақиллик шарофати билан тadbиркорликка кенг йўл очилганида биринчилар каторида мен ҳам тижорат билан шуғуллана бошладим. Албатта, асосий ишимни тўхтатмаган ҳолда. «Рапкон бокс мактаби» мустақиллигимиз билан тенгдош. Яъни 1991 йил 1 сентябрда собиқ «Рапкон» ширкат хўжалиги қошида бокс мактабини ташкил этиш насиб этган. Болалар бокс билан шуғулланишда давом этишарди. Туман, вилоят биринчиликларига эса шахсий даромадим ҳисобидан бориларди. Чунки шогирдларимнинг ота-оналарига бун-

дай мусобақаларнинг қизиғи йўқ эди. Баъзилар фарзандларининг уришишни ўрганиб олишини истаб, яна кимлардир чиниксин деб, айримлари, кучли бўлса бошқа шогирдларим каби қуролли кучлар, ички ишлар идораларида ишга киришларига осон бўлади деб ҳам боксга беришганди. Ўзлари боксга қизиқиб келган болалар ҳам бўларди. Лекин уларнинг бокс билан шуғулланишлари ота-оналарини қизиқтирмасди. Шунинг учун шогирдларимга ҳомийлик қилиш ўзимнинг бўйнимда эди. Кейинчалик уларнинг қўлга киритаётган ютуқларидан фахрланиб Фарғона вилояти ҳокимлиги, Бешариқ тумани ҳокимлиги, собик «Рапқон», «Ўзбекистон», «Адиროбад» ширкат хўжаликлари ҳомийлик қилишган. Боксчиларимизни моддий қўллаб-қувватлаб туришган.

Ўша пайтлари уйланганимга анча йил бўлганига карамай фарзанд кўрмаганлигимдан болалар билан овуниб юрибди деганлар ҳам, бу Рустам пул топиб ақл топмаган экан, бировни болаларига топганини ишлатиб юрибди дегувчилар ҳам топиларди. Юзимга келиб айтганлар ҳам бўлган.

Ҳамқишлоқларимдан бири: «Рустам ака, мана сиз муаллимсиз. Тижорат билан шуғулланиб ҳам кам бўлмаяпсиз. Сизни инсон сифатида ҳам, уддабуронлигингизни, тадбиркорлигингизни, ақлли, эсли-хушли деб ҳурмат қиламиз. Лекин бир нарсани тушунмайман. Сизга шуларни нима кераги бор? Ўша болаларни у ёқдан бу ёққа югуртириб юришга кетадиган вақтингизни тижоратга кетказсангиз бўлмайдими?» деганида мен унга ўзимнинг орзуларим ҳақида, қишлоғимизда боксни ривожлантирмоқчилигиму, жаҳон, Осиё, олимпия чемпионлари чиқармоқчилигимни айтганман. У менинг бу гапларимни баландпарвоз орзулар деб қабул қилган. Биз холи, юзма-юз гаплашаётгандик. Одатда бундай пайтларда ниманики ўйласангиз шуни айтасиз. У мени тушуна олмади. Балки яна неча юзлаб ҳамқишлоқларим мени тушуна олишмагандир. Бу табиий ҳол. Йиллар давомида қишлоғимизда бокс бўлган эмас. Мантиқан ўйлаб қараганда, барча шароитлари бор шаҳарлардаги спорт клубларда, айниқса, бокс яхши ривожланган мамлакатлардаги спортчилар қолиб ҳеч ким билмайдиган Рапқон қишлоғидан боксчи чиқиб ҳаммани лол қолдириши

кийин масала. Бу хол узоқ давом этди. Кейинчалик жаҳон чемпионатлари ҳақидаги гапларимни гапирмай қўйдим. Дилимдаги орзуим ҳали сўнмаган бўлсада, барибир ҳеч ким ишонмаслигини, кулги бўлмаслигимни ҳисобга олиб бу мавзуда сўз очмайдиган бўлдим.

Мураббийлик фаолиятимнинг ўн тўртинчи йилида, яъни 2001 йили ўсмирлар ўртасида бокс бўйича биринчи маротаба ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик боксчилар ҳам иштирок этиб, хусусан, Рапқон қишлоғидан менинг шоғирдим Азиз Раҳмоновнинг шохсупанинг юқори поғонасидан жой эгаллаши, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлиши ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Бутун қишлоғимизда боксга муносабат бирданига ўзгариб кетди. Кейинчалик жаҳон ва Осиё чемпионати ғолиб ва совриндорларининг етишиб чиқиши эса Азиз Раҳмонов ғалабаси Рапқонга тақдирнинг тасодифий инъоми эмаслигидан далолат беради.

СИДНЕЙ ЖАКСОННИНГ ХИЗМАТЛАРИ

Сидней Жаксон Ўзбекистонга боксни олиб кирди. Иссиқ иқлим шароитида бокс билан шуғулланишга оид махсус қоидаларни ишлаб чиқди. Бокс мураббийлари билан илмий методик ишлар олиб борди.

На бир бокс мураббийи ва на бир шуғулланишга қулай шароит бўлмаган Рапқон қишлоғида боксни ривожлантириш учун олиб борган ишларимни баъзан ҳамқишлоқларим, бокс мутахассислари катта савоб иш, машаққатли меҳнат деб қабул қилишади. Рапқонга ўхшаш қишлоқлардан Ўзбекистонда қанча? Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Сидней Жаксон нечоғлик хайрли, машаққатли меҳнатга қўл урганлигига, қанчалар савобга қолганига баҳо берасиз. Бокс мураббийлигини бошлаётганимда Сидней Жаксон қилиб кетган ишлар олдида мен қилмоқчи бўлаётганим денгиздан томчи эканлиги, мамлакатга, вилоятга ё шаҳарга эмас, ҳатто туманга ҳам эмас, бор-йўғи бир қишлоққа боксни олиб келаётганим ва бунинг

иложи борлигига умид боғлаб ишга киришаётганим ҳақида кўп ўйлаганман. Ҳозирги замон кишилари бокс ҳақида Жаксоннинг замондошларига нисбатан тўлароқ тушунчага эга. Телевизор кўришади. Оммавий ахборот воситалари ёрдамида янгиликлардан хабардор бўлиб туришади. Буларнинг бари менинг ишимни Жаксонга нисбатан анча енгиллаштирган. Асосийси, келажакка умид боғлаб тинимсиз меҳнат қилинса бир кун келиб албатта машаққатлар ўз самарасини бераверар экан.

ЧАГАЕВ – РАПҚОН МЕҲМОНИ

Руслан Чагаев ҳаваскор бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида афсонавий Феликс Савонни енгиб, дунёни ларзага келтирганида, бошқалар катори унинг ватандоши эканлигимдан, ўзбекистонлик боксчининг жаҳон аренасида эришган ютуғидан фахрландим. Ҳавасим келди. Қанийди, мениям шогирдларим шундай ютуқларга эришса, деган азалий, ушалмай келаётган орзуим ичимда яна бир бора жўш уриб кетди. Шогирдларимга нисбатан талабчанлигим илгаригига нисбатан ошди. Шунда Руслан Чагаевни кишлоғимизга таклиф этиш фикри туғилди. Устозим Станислав Бутаев оркали Руслан Чагаевнинг устози Александр Размахов билан боғландик. Уларни кишлоғимизга таклиф қилдик. Жаҳон чемпионининг устози билан биргаликдаги ташрифи ёшларимизнинг боксга бўлган қизиқишини оширишига ишонардим. Ахир кимгадир, кимнингдир ютуғига бўлган ҳавас буюк орзуларни амалга оширишга сабаб бўлади-ку. Улар рози бўлишди.

Келишилган кунда Руслан Чагаев ва унинг мураббийи Александр Размахов Рапқон кишлоғига ташриф буюришди. Шунда мен ўзимни ташкилотчилик борасида синаб кўришга ҳақарат қилдим. Меҳмонлар билан учрашув катта байрамга айланиб кетди. Руслан Чагаев ёш боксчиларнинг барча саволларига эринмай, шошмасдан,

фирма-бир	жавоб қайтармоқ
2013/143	nomidagi
A 11356	O'zbekiston MK

Таассуротларини гапириб берди. Мухлислари билан эсдалик учун расмга тушди. Чекка бир кишлокка жаҳон чемпионининг ташриф буюриши ўз самарасини кўрсатди. Биринчи навбатда, кутганимдек, боксга кизиқувчи болаларнинг сони ошди. Шу кунгача бокс билан шуғулланаётган болалар эса энди ўз олдларига буюк мақсадлар қўйишга аҳд қилдилар. Ҳаммасидан кизиғи, ўша кунларда туғилган ўғил бола чақалоқларнинг кўпларига яхши ниятлар билан Руслан деб исм қўйишди. Нафақат Рапқон кишлоғида, қўшни кишлоқларда ҳам Руслан исмли чақалоқлар ўсиб улғая бошлашди. Мен ҳам кейинчалик ўғил кўрсам исмини Руслан қўяман деб ният қилдим. Орадан йиллар ўтгач ўғлимнинг исмини ният қилганимдек Руслан деб қўйдим.

Руслан Чагаевнинг атрофида югуриб юрган болалар каторида Азиз Раҳмонов ҳам бор эди. Олдимга югуриб келиб:

– Устоз, мен ҳам Руслан Чагаевга ўхшаган чемпион бўламанми? – деб сўради у.

– Албатта, чемпион бўласан, – дедим мен боланинг кўнглини кўтариб. Руслан Чагаевга ҳавас билан, кўзлари чақнаб қараб турган болаларни кўриб кўзим қувонди. Қалбимда янги умид учқунлари ёнди.

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАМЛАР

Азиз Раҳмонов – 1985 йил 6 декабрда Фарғона вилояти Бешарик туманининг Рапқон кишлоғида туғилган. Бокс билан 1995 йилдан шуғулланишни бошлаган. 2001 йили (Озарбайжон) ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга кiritган. 2002 йили (Венгрия) ҳамда 2004 йили (Корея) ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларининг кумуш медали совриндори бўлган. 2003 йили (Италия) ва 2005 йили (АҚШ) ҳарбийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида бронза медаллари билан тақдирланган. Бокс бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси.

* * *

Азиз Раҳмоновни боксга амакиваччаси Адҳам олиб келган. У ҳам менинг шогирдим бўлиб, бокс билан ўз вақтида жиддий шуғулланган. Ҳозирда қишлоғимизнинг энг яхши табдиркорларидан бири. У билан нуфузли мусобақаларгача етиб бора олмаганман. Тақдирни қарангки, Азиз Раҳмоновнинг айнаи ўсмирлик ёшида жаҳонда биринчи маротаба ўсмирлар ўртасида чемпионат ўтказиладиган бўлди. Азиз жаҳон чемпионлигига эришиши билан ўзбекистонлик биринчи жаҳон чемпиони деган шарафли номга ҳам сазовор бўлиб, ўзбек бокси тарихида ўзидан ном қолдирди. Юртбошимиз томонидан тақдим этилган махсус совға «Нексия» автомобили эса мусобақа нуфусидан далолат берарди. Телевизорда кўрсатишди. Аэропортда кутиб олишлари-ю, ўтказган жангидан лавҳалар ҳам қолмади. Қишлоғимизга Ўзбекистон телерадиокомпанияси мухбирлари келиб, «Ахборот» дастурида лавҳа беришди. Лекин буларга эришишнинг ўзи бўлдимиз? Энди барча қийинчиликлар ортида қолганди. Айниқса, мусобақадан олдинги муаммолар ҳал этилмаганида буларнинг бари яна хом хаёлга айланиб қолаверарди.

Жаҳон чемпиони ҳақида мен тажрибали мураббий, ўша пайтдаги ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари бош мураббийи Мансур Муҳамедович Маҳмудовдан эшитдим. Мамлакат биринчиликларида ўзини кўрсатиб келаётганлиги учун Азиз Раҳмоновни терма жамоага жалб этишларида ҳеч қандай муаммо бўлиши мумкин эмасди. Чунки унга қарши биронта рақиб лоақал икки раунд туриб бериши амри маҳол эди. Бошқа барча вазнларда боксчиларни кўрик жангларидан ўтказиб танлаб олишган. Сўзсиз, Азиз Раҳмонов терма жамоа таркибида. Мен бу хабарни Азизнинг отасига етказишга шошилдим. Бундан хурсанд бўлар деб ўйладим. Носир ака қарши бўлмадилар. Аммо хушхабаримга жавобан айтган сўзлари мени ажаблантирди. Нафақат ажаблантирди, ҳатто чўчитиб қўйди.

— Майли, мусобақада қатнаша қолсин. Кузгача ҳали бор, чўлга пиёз эккан эдик. Ёзи билан менга қарашса, келиши билан сизнинг ихтиёрингизда бўлади, — деди у.

Жаҳон чемпионати ҳазилакам мусобақа эмаслиги, одамлар бунга йиллаб тайёргарлик кўришлари, жаҳоннинг энг

кучли боксчилари келишини айтдим. Аммо оиланинг тўнғич фарзанди бўлган Азиз отасига қарашмаса, кутилганидек ҳосил олинмаса, рўзғор нима бўлади? Носир акани ҳам тушуниш мумкин. Ўзининг хом хаёллари билан юрган бир мураббийнинг амалга ошиши номаълум нарсалар ҳақидаги гапларига алданиб, эътиборсизлик қилса, ҳосил нобуд бўлиши аниқ-ку. Рустам Мажидов у учун ким? Тўғри, ҳурмат қилади. Лекин нимани қойиллатиб қўйибдики, унга ишонсин. Шу пайтгача биронта ҳам шогирди чемпионликни қўлга киритмаган бўлса. Аниқроғи, халқаро мусобақаларда ғолиб бўлмаган бўлса. Ўзбекистон чемпионлигига эришганлар етарли эди, аммо бу унга нима беради? Қарабсизки, Азиз жаҳон чемпионатида бормаслиги, ҳеч қандай натижаларга эришмаслиги ҳам мумкин. Вақт эса шиддат билан ўтиб бормоқда.

Фарғона бокс федерациясига хизмат юзасидан бориб қайтаётганимда Азизнинг Фарғона шаҳрида ишловчи амакиси Анвар акани тасодифан учратиб қодим. Носир акага фақат унинг сўзи ўтарди. Фарғонадан Рапқонгача бўлган 140 километрлик масофа босиб ўтилгунча кетган вақтни фақат Азизнинг жаҳон чемпионатида катнашиши ҳақида гаплашишга бағишладим. Анвар аканинг қалбида умид учқунлари пайдо бўлди. Балки ростданом жияни ютиб чиқар. Айниқса, охириги гапим кучли таъсир қилди.

—Бир умр далада ишлаб эскирок «Москвич»га бўлсаям пуллари етмаслиги мумкин. Шу ёшларигача нимага эришди укангиз. Аммо Азиз жаҳон чемпиони бўлса-чи?

Анвар ака бу гапларим ҳақида уйга бориб ҳам анчагача ўйлабди. Рапқонга келиб укасига ўғлини жаҳон чемпионати-га юборишини тайинлаган. Ўша йили ёзда Носир ака далада Азизсиз анча кийналган. Чўлда пиёз етиштириш осон эмас. Агар мен айтганим амалга ошмай, Азиз жаҳон чемпионатида ғолиб чиқмаганида нима бўларди? Биринчи жангнинг ўзидаёқ бирон кучли боксчига учраши мумкин эди-ку. Кубаликлар ўзларининг боксдаги ғалабалари билан фахрланиб келганлар. Кубалик боксчиларга биринчи турдаёқ йўлиқиб ютқазиб чиқиб кетиши ҳам мумкин эди. Мусобақага боргунча шуларни ҳам ўйлаб юрагим орқага тортиб кетарди. Нафақат Носир ака-

нинг олдида, балки бокс федерацияси раҳбарлари олдида ҳам кўрсатилган ишончни оклаш масъулияти елкамиздан босиб турарди. Қолаверса, биз у ерга қишлоғимиз шаънини эмас, ватанимиз, Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилишга борамиз.

Жаҳон чемпионатида тайёргарлик жараёни бошланиб кетди. Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаевлар профессионал боксга эндигина ўтиб жиддий машғулотлар ўтказишлари учун америкалик мутахассис таклиф этилганди. Бокс федерацияси раҳбарияти кубалик мураббий Кени Адамсга профессионал боксчиларга қўшиб Азиз Раҳмоновга ҳам бокс сирларини ўргатишни топширган. Машғулотларда машҳур боксчилар, жаҳон ва олимпия ўйинлари ғолиблари билан бирга иштирок этиши, табиийки, Азиз Раҳмоновга руҳий кўтаринкилик бағишлаган, пухта таёргарлик кўришига хизмат қилган. Яратилган шундай имкониятлардан кейин ҳам ютмай кўрсин-чи...

БИРИНЧИ БЎЛИШ БАХТИ

Мен Озарбайжонга мураббий сифатида ўз ҳисобимдан бораман деганимда қаршилиқ билдирувчилар, бу йўлдан қайтаришга уринганлар кўп бўлган.

—У ерда яшаш учун, озик-овқат учун кўп маблағ сарфланади, бунга имконинг етадими, нима кераги бор, ана, бош мураббий бор, мутахассислар бор, уларни ўзлари эплашади, — дейишган.

Мен эса уларга тахминан шундай жавоб берганман: «Кўчада ётиб, нон еб, сув ичиб бўлсада барибир бориб келаман!» Қаршилиқларга қарамай самолётга билет олдим.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган кунлар келди. 2001 йилнинг октябрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилиши режалаштирилган биринчи жаҳон чемпионатида қатнашиш учун Озарбайжон республикасининг пойтахти Боку шаҳрига учиб кетдик. Мусобакалар бошланди. Чорак финалда Азиз Раҳмонов белоруслик рақиби устидан зўрға устун келди. Охириги дақиқаларгача ҳаяжонда ўтирдик. Ҳаммасидан ҳам

ёмони унинг ёнига бориб маслаҳат бера олмаслигим. Чунки мен мусобақада ҳакамлар таркибида иштирок этаётган эдим. Жаҳон чемпионатида ҳакамлар таркибидан жой олиш учун кўп йиллик ҳакамлик тажрибаси, маълум бир имтиҳонлардан ўтиш, ҳакамлик тоифалари мусобақа талабларига жавоб бериши талаб қилинади. 2001 йилга келиб қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилишдан ташқари республика мусобақаларида ҳакам сифатида иштирок этиб, малака оширишга улгургандим. Азиз рингда ҳаракатланаётганида уни яхши биладиган инсон, мураббийи сифатида ёнида туриб тўғри маслаҳат беришим керак эди. Биз эса фақат мусобақадан кейин ўтказган жанглари, навбатдаги рақиб кимлигини билиб, унинг ўтказган жанглари, имкониятларини таҳлил қилардик. Азизнинг чорак финалдаги рақиб имкониятлари айтирлик даражада зўр бўлмасада, уни мағлуб этиш жуда кўп куч талаб этди. Аслида йирик фарқ билан ютиши ёки иккинчи раунднинг ўзидаёқ масалани ҳал этиб қўйиши мумкин эди. Буни Ўзбекистон бокс Федерацияси раҳбарияти ҳам сезди чоғи, кечки пайт Азиз ярим финалга чиққанининг ўзи катта гаплиги, уни бошқа кучи қолмаганлиги, бронза медали билан қайтишини айтишди. Шогирдим ҳақидаги салбий фикрлар менга оғир ботди. Аммо нима бўлганида ҳам айтилаётган гаплар айти ҳақиқат бўлиб, Азиз ўз кучини тўғри тақсимлай олмаслиги оқибатида ютқазиб қўйиши ҳам мумкин эди. Биринчи маротаба ўтказилаётган жаҳон чемпионатида совриндорлар қаторидан ўрин эгаллашнинг ўзи нақадар шарафли эканлигини ҳам тушуниб турардим. Аммо олтин медални қўлга киритаётгани, шохсупадан жой эгаллагани ҳар куни тушларимга кириб чиқарди. Қолаверса, бунга имкон ҳам бор бўла туриб бронза билан қайтиш, йиллар давомидаги орзуим амалга ошишига бир баҳя қолганда камроғи билан чекланиш алам қиларди. Кейин бундай имконият бўладими ё йўқми. Балки бу ягона имкониятдир. Ҳакамлар Бокунинг энг кўркам меҳмонхоналаридан бирига жойлаштирилган бўлиб, спортчилар ва мураббийлар бошқа меҳмонхонада яшашар эди. Азиз билан ўтказган жанглари муҳокама қилиш учун ҳар сафар тунда яширин кўришар эдик. Ўзаро суҳбатлашаётганимизни яхшиси биров кўрмагани

маъқул эди. Қолаверса, бундай кескин, қатъий оҳангда гаплашаётганимизни кимдир кўришини истамасдик. Ҳар ҳолда чет элдамиз. Тунги тарбиявий соат Азизнинг эртага рақибини яксон қилишга қасам ичиши билан якунланди. Азиз рақибини ютишига мени кўз ёш тўкиб ишонтиришга ҳаракат қилди.

Эртасига рингга дадил чиққан Азиз Раҳмонов жангни икки раунддан оширмади. Унинг ҳар бир зарбаси мусобақага тўпланганларнинг диққат-эътиборини ўзига тортарди. Россиялик боксчи Давид Аршбанинг бронза медалига лойик деб топилганига шукур қилишдан ўзга чораси қолмади.

Кучли ва тезкор зарбалари Азизни финалга олиб чиқди. Финалдан бир кун аввал тунда деярли ухлай олмадим. Кўзимни юмдим дегунча кўз олдимда ринг. Рингда эса Азиз Раҳмонов жанг олиб боряпти. Бор овозим билан бақираман. Аммо овозим ичимдан чиқмайди. Уйғониб кетаман. Хонадошим эҳтимол мендан безор бўлгандир, аммо у мени тушунардди. У кубалик ҳакам бўлиб, мен билан гаплашгиси келарди. Мен ҳам унинг гапларини тушунишга ҳаракат қилиб, имо-ишораларига аҳамият берардим. Ва ниҳоят, бир-биримизнинг туғилган йилларимизни билиб олдик. Кубалик 1965 йилнинг 14 августида туғилган экан, мен эса 1965 йилнинг 4 августида туғилганман. Тенгдошлигимизни тушунганимиздан ўзимизча хурсанд бўлдик. У ўзича нималарнидир тушунтирган бўлади. Мен ўзимча.

Орзиқиб кутилган тонг ҳам отди. Финалда олтин медалини Азиз Раҳмонов қўлга киритишига энди ҳеч кимда шубҳа қолмаган эди. Лекин унинг рақиб ҳам мусобақанинг финал босқичига кучли боксчиларни, жумладан ярим финалда кубалик тажрибали боксчи Тореенте Гонсалесни мағлуб этиб келган эди. Кучлилар орасида Азиз энг кучли эканлигини кўрсатиб, украиналик боксчи Мовчанни иккинчи раундда икки маротаба нокдаун ҳолатига туширди ва унинг секундантлари рингга сочиқ улоқтириб мусобақани давом эттиришдан бош тортди. Бундай воқеа, айниқса финалда, камдан-кам бўлади. Қолаверса, Азизнинг ҳар бир жангини мухлислар алоҳида эътибор билан томоша қилишарди. Бунга сабаб унинг оғир вазнида (81кг) мусобақада қатнашаётганлигида эди. Ўзи ҳар доим

огир вазндаги боксчиларнинг ҳар бир жанги нафақат мухлис-лар, балки соҳа мутахассисларининг алоҳида эътиборларида бўлади. Бу, албатта, ўзига хос масъулият юклайди.

Мусобақанинг финал боскичи икки кунга бўлинган ҳолда ўтказилди. Биринчи куни Азиз Раҳмонов олтин медални қўлга киритган бўлса, эртасига андижонлик Баҳодир Султонов 51 килограммгача бўлган вазн тоифасида тенгсиз дея эътироф этилди. Агар мусобақанинг финал боскичи бир кунда ўтказилганида вазни Азиз Раҳмоновдан енгил бўлгани учун Баҳодир Султонов рингга олдинроқ кўтарилиши ёки тузилган жадвал бўйича Азиз иккинчи куни, Баҳодир Султонов биринчи куни рингга кўтариладиган бўлганида, унда биринчи маротаба ўтказилаётган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик биринчи жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлиб тарихда қолиш Баҳодир Султоновга насиб этган бўларди. Бу унчалик аҳамиятга эга ҳам эмасдир балки, чунки асосий мақсад жаҳон чемпионатида ғолиб бўлиш ҳисобланади. Жаҳон чемпионига эса алоҳида эътибор кўрсатилади. Тарихда қолиш масаласига келсак, жаҳон чемпионларини барибир эслашади. Аммо биринчи жаҳон чемпиони бўлишнинг ўзгача гашти бор. Чунки ундан олдин ҳеч ким жаҳон чемпиони бўлмаган-да. Шуни таъкидлаш жоизки, Баҳодир Султонов орадан бир йил ўтгач ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида яна ғолибликни қўлга киритди ва ёшлар ўртасида ўзбекистонлик биринчи жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

ЮЛДУЗЛИ ОНЛАРИМИЗ

Энди биз бошимизни баланд кўтара оламиз. Ўша келажаги йўқ, бўлиши номаълум ишга қўл урган Рустам Мажидов ниҳоят жаҳон чемпионининг мураббийи. Аэропортдаги тантанали кутиб олиш маросимини «Ахборот» дастури орқали намойиш этишди, кейинчалик ҳам Рапқонга телевидениедан келиб, махсус кўрсатувлар тайёрлашди. Боксда қозонилган ғалаба сабаб кишлоғимизни телевизорда кўрсатишди. Унинг номи нима са-

бабдан «Рапқон» эканига, бу сўзнинг маъносига тўхталишди. Энг қувонарлиси, спорт туфайли ватанимиз номи ўзга юртларда яна бир бора тилга олинди, мадҳиямизни ғалабамиз туфайли бутун дунёга яна бир бора янградик. Байроғимиз баланд кўтарилди. Буларнинг барига Ўзбекистоннинг чекка қишлоғида ўсиб улғайган Азиз Раҳмонов ва унинг усто-зи Рустам Мажидов сабабчи эканлигини таъкидлаб ўтишди. Қишлоғимиз бутун Ўзбекистонга танилди.

Шу кунларгача кимгадир бокс ҳақида гапирсам, андиша қилиб сўзларимни бўлмаган, гапларимга ишонмасада эътироз билдирмаган ҳамқишлоқларим энди чет эл, мусобақа таассуротлари ҳақида сўзларимизни жон қулоқлари билан тинглашарди. Ўзгача ҳурмат, алоҳида эътиборга сазовор бўлди.

Орадан бир ой ўтгач учинчи фарзандим дунёга келди. Ун-гача бир киз, бир ўғил бўлса, энди яна бир ўғиллик бўлдим. Жаҳон чемпионатида Азиз ютса фарзандимни исмини уни исми билан аташни кўнглимга тугиб қўйгандим. Ўшанда бир йилгача Рапқонда, Бешариқ туманида туғилган кўплаб ўғил болаларнинг исмини яхши ниятлар билан Азиз деб қўйишган. Кейинчалик мен ҳам ўзимга берган ваъдамни бажариб, ўғлимнинг исмини Азиз деб қўйганман. Мураббийлигимнинг дастлабки йиллари ўйлаган режаларим амалга ошмагани кам-лик қилганидек, оила курганимга етти йил тўлгандагина би-ринчи фарзандим дунёга келганди. Мураббийлигимнинг ўн тўртинчи йили, яъни яна етти йил ўтгач, шогирдим жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Балки етти рақамида рост-дан ҳам бирон бир ҳосият бордир. Энди ҳаётнинг қувончли кунлари бошлангандек эди. Азизнинг ғалабаси қишлоғимиз ёшларининг боксга бўлган қизиқишини ошириб юборди. Ав-валлари боксни ўрганиб кетган шогирдларимни мураббий-ликка чақиришга қарор қилдим. Чунки боксчилар кўплигидан гуруҳларга бўлиб ўргатишдан бошқа илож қолмади. Бир ўзим минглаб болага устозлик қила олмасдим. Мураббийлар сонини кўпайтира бошладик.

2002 йили Азиз Раҳмонов билан Венгрияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида тайёргарлик ишларини бошлаб юборга-нимизда ҳар куни бутун қишлоқ аҳли бизни томоша қилишга

тўпланишарди. Ҳали қишлоғимизда спорт зали йўқлигига қарамай юксак натижага эришганимиз, спорт зали бўлганида бундан-да катта ютуқларни қўлга киритишимиз мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолдим. Ўшанда ўз ҳисобимдан бўлсада спорт зали қуришни ният қилиб қўйдим. Аммо ҳали моддий имкониётларим спорт зали қуриш даражасида эмас эди.

Венгрияда Азиз Раҳмонов яна финалгача етиб борди. Рақибни унга яхши таниш бўлган, аввалги жаҳон чемпионати-нинг ярим финалида унинг зарбаларига икки раунддан ортиқ дош бера олмаган россиялик Давид Аршба эди. У ҳам ўз вазинини бироз кўтариб, энди 81 килограммдан ортиқ бўлган вазндаги боксчилар қаторида мусобақада қатнашаётган эди. Агар Азиз ғолибликни қўлга киритса, энди уни икки карра жаҳон чемпиони дея эътироф этишади. Бу иборанинг жаранглашини қаранг. Нақадар ёқимли. Аммо кичик фарқ билан ғолибликни қўлга киритганимизга ишонган жойимизда ҳайрон қолдик. Рақибнинг қўли баланд кўтарилди. Азиз учун бу биринчи адолатсизлик эди. Ёш эмасми, аламини ичига ютолмай мендан: «Нега ундай бўлди, Рустам ака?» деб сўрарди. Нима деб жавоб қайтаришимни ҳам билмайман. Ҳаётда шунақаси ҳам бўлади. Бунини тушуниб етиш учун бироз улғайиш керак, холос. «Ҳали бу бошланиши. Ҳаётни энди бошляпсан. Боксда сенга нисбатан адолатсизлик қилмасликларини истасанг, яққол устунлик билан ғолиб бўл. Ёки жангни нокаут билан яқунла. Барча ҳакамларни сотиб олган бўлса ҳам рингда ётган боксчига шифокорлардан бошқа ҳеч кимнинг ёрдами керак бўлмайди», дедим.

Рейсимизгача Венгрия пойтахтини томоша қилиб қайтишдан бошқа чорамиз қолмади. Венгерлар мени кўрган заҳотиёқ алоҳида эътибор билан таъзим қилишларига аввалига ажабланардик. Кейинчалик маълум бўлишича, уларнинг «Барон»ларига жудаям ўхшаб кетар эмишман. Борган жойимизда ҳурмат-иззатдан фойдаланиб барча тарихий обидаларини, диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Кечагина қишлоқда пиёз ташвишида юрган болакай ва мактабда жисмоний тарбиядан дарс бериб келаётган, орзулари ушалиши мавҳум ўқитувчи учун бу мисли бир эртақдагидек эди.

Азиз 2003 ва 2005 йиллари ҳарбийлар ўртасида ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, ҳар бирида биттадан бронза медалига сазовор бўлиб қайтди. Энди ҳарбийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатининг икки карра бронза медали соҳиби деган шарафли номга ҳам сазовор бўлди.

2004 йили ёшлар ўртасида ўтказиладиган 13-жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Кореяга жўнаб кетдик. Кореяга келган кунимиздан бошлаб асабийлашиш, муаммолар гирдобига тушиб қолгандай юрдик. Сабаби Азиз Раҳмонов самолёт чиптасини йўқотиб қўйган эди. Қайтиб кетиш муаммоси бутун ўй-хаёлини банд этиб қўйди. Қидирмаган жойимиз қолмади. Азизга мусобақа олдидан: «Агар чемпионликни қўлга киритмасанг шу ерда қолдириб кетамиз сени, юраверасан. Мабо-до ютсанг бир амаллаб Ўзбекистонга олиб кетамиз», дедик ҳазиллашиб.

Мусобақанинг финал босқичига етиб борган Азиз Венгрия сабоғини олганди. Аниқ ғалабага эришмаса унга осонликча олтин медални беришмайди. Азиз Раҳмонов рақибдан ҳисобда олдинда бораётган тўртинчи раунд тугашига ўн беш сония қолганида ҳакам жангни тўхтатди. Азиз жангни давом эттира олмас эмиш. Юзи бир оз тилингани учун унга техник нокаут ёзиб, ғалабани рақибига бериб юборишди. Жанг тугашига ўн беш сония қолганида-я. Бу сонияларни ринг бўйлаб юрса ҳам ўтказа оларди. Тағин ҳисобда беш очкога олдинда. Азиз Раҳмонов энди жаҳон чемпионатининг икки карра кумуш, аниқроғи олтинга тенг кумушлари ва битта олтин медалини ўзининг коллекциясида сақлайдиган бўлди. Аслида, Ўзбекистондалигидаёқ унинг ўнг қўли шикастланган эди. Аммо бу мусобақада олтин эмас, кумуш олишига сабаб бўлолмасди. Спаринг жангларида олган жароҳати мусобақа давомида оғриқ берганидан ўнг қўлини камроқ ишлатиб келаётган эди. У рақибини бир қўл жанги билан ютаётганди. Агар соғ бўлганидечи? Унда рақиб нокаутдан қочиб қутула олмас, ҳакамлар ҳам унга ёрдам бера олишмасди.

Ҳар сафар мусобақага жўнаб кетаётганимизда ҳам-кишлоқларимиз қўлларини дуога очиб кузатишар, медалъ

билан кайтишгач, қолаверса, телевизорда кўрсатишгач уйлари-
римизга тўпланишарди. Йиллар давомидаги ҳар бир кўлга
киритган медаль сабаб қишлоғимизда боксга эътибор кучая
бошлади.

* * *

2001 йили жаҳон чемпионатидан биров аввалроқ «Халқ
таълими аълочиси» фахрий унвонига сазовор бўлган эдим.
Жаҳон чемпиони бўлган шогирдимнинг кетма-кет ғалабалари,
қишлоғимиздаги бокс тарғиботидаги хизматларимни инобатга
олиб 2003 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт усто-
зи» деган фахрий унвон билан тақдирлашди. 2004 йилга келиб
ҳакамлик фаолиятимда ҳам ўсиш бўлди. Нормативларни топ-
шириб, «Халқаро тоифадаги ҳакам» фахрий унвонига лойиқ
деб топилдим. Мухбирларга интервью берганимда мени теле-
томошабинларга «Рапқон бокс мактаби раҳбари» деб таништи-
ришар эди. Аслида, Рапқонда махсус бокс мактабининг ўзи йўқ
эди. Яхши ният билан спортчиларимизни Рапқон бокс мактаби
тарбияланувчилари, ўзимни эса мактаб раҳбари деб аташлар-
и ёқарди. Умуман олганда ҳам, бу атама тўғри ҳисобланиши
мумкин. Мисол учун «Андижон бокс мактаби» деганда бокс-
га ихтисослашган мактаб, ўқув даргоҳи тушунилмайди. Лекин
Рапқонда ҳатто оддий спорт зали ҳам йўқлигини кўпчилик
билмас эди. «Рапқон бокс мактаби» деган жумла эса чиройли
жаранглаб, мухлисларни чалғитар, улар алоҳида спорт клуби
бор деган хаёлга боришарди.

Кунларнинг бирида Рапқонга кўшни қишлоқдан қатнаб
шуғулланадиган шогирдларимдан бири туман биринчили-
гида, «Устоз мени анкетамга рапқонлик деб ёзиб қўйинг.
Мени Рапқонлик деб эълон қилишсин», деб сўраган. Мен
ундан, «Нега ундай дейсан? Ўз қишлоғинг номидан чиқсанг
яхшимасми», деб сўрасам, «Рапқонлик экан деб ўйлашса,
рақибларим кўркиброк туради-да, ғалаба қозонишимга ёрдам
бўлади», деб жавоб қайтарган. Бу суҳбат бўлиб ўтганда ҳали
шогирдим жаҳон чемпиони унвонига эга бўлмаган, халқаро
мусобақаларда қатнашмаган эди. Ҳақиқатдан ҳам ўша кун
шогирдимни рапқонлик деб эълон қилиб рингга чиқардик.
Ғолибликни кўлга киритди. Туман ва вилоят биринчиликла-

рида рапқонлик боксчилардан ҳайиқиб туришлари келажакка янада ишонч уйғотарди. Ёки бўлмаса шунга ўхшаш бошқа воқеалар ҳам мақсад сари олға интилишга сабаб бўларди.

Бир куни республика биринчилигида кўзлари ёшга тўлган мендан анча ёши каттароқ бир мураббийни кўрдим. Шогирди республика биринчилиги ғолиблигини қўлга киритибди. Хурсандлигидан кўзларига ёш келган. Мени эса ўнлаб шогирдларим Ўзбекистон чемпионлари ва совриндорлари, спорт устаси унвонига эга бўлиб улгуришган. Қанчадан-қанча мураббийлар орзуларига етишолмай мураббийлик фаолиятларини давом эттиришади. Қалбларининг тубида эзгу орзулари бор. Кимлардир орзуларига эришолмай нафақага кетишади.

Мураббийликни гоҳида худди лоторея ўйинига ўхшатасиз. Бир умр ҳаракат қиласиз-у, шогирдингиз қобилятли эканлигига карамай, ҳар хил сабаблар билан боксни ташлаб кетади, баъзан ота-оналарининг эътиборсизлиги, мактабни битиргач тирикчилик ташвишлари, яна кимдир бошқа соҳа бўйича ўқишга кириш учун пойтахтга кетади, яна кимдир ҳарбий хизматга. Айни кунларда ҳам бошқа кўплаб спорт турлари бўйича мураббийларнинг юзлаб шогирдларидан лоақал битта Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлишидан умидвор. Лекин ўша мураббий бир маротаба бўлсада чемпион шогирд тарбиялай олса борми? Атрофида дарров фарзандининг спорт билан жиддий шуғулланишини истовчи ота-оналар тўпланишади.

1994 йили Япониянинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида қорақалпоғистонлик мураббий Мавлон Ачиловнинг шогирди Осиё ўйинлари ғолиблигини қўлга киритган. Мураббийнинг бир умрлик буюк орзулари ушалган кун эди у. Мавлон Ачилов юртимизга қайтиши билан аэропортда тантанали кутиб олинди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони берилди. Ўшанда мен унга чин дилдан ҳавас қилдим. Мен ҳам чемпион шогирд чиқараман деган орзуйим янада кучайди. Тунда кўзимга уйку келмасди. Бўларкан-у. Нега энди мен чемпион чиқара олмайман? Ҳар сафар бирон сабаб билан келажакка умид пайдо бўлганида машғулотларга эътиборни кучайтирдим. Вақт ўтиб умидсиз-

лик ҳолатига тушиб қолгунимча умидвор бўлишимга янги бир сабаб пайдо бўларди.

Чемпион шогирд чиқарганимдан сўнг узоқ йиллардан бери дилимдаги орзуларимдан бири бўлган Рапқонда спорт зали қуриш ишларини амалга ошириш учун астойдил бел боғладим. Аввалига йўл-йўриқларини, қанча маблағ сарфланиши мумкинлигини ўргандим. Рапқон қишлоғининг қок марказида жойлашган, Фарғона вилояти кино-видео уюшмасига қарашли бўлган «Пахтакор» қишки кинотеатри жуда хароба, ташландиқ аҳволга келиб қолган эди. 2004 йили уни бокс залига айлантирамиз деб роса ҳаракат қилдик. Юқори ташкилотларга бордик. Иложи бўлмади. Буни қарангки, пешонамизга айнан шу бинони бокс залига айлантириш битилган экан. Шу ишни ҳал қилиши, ёрдам бериши мумкин бўлган одам учраб қолди. Яъни Фарғона вилояти давлат мулк қўмитаси раиси Ҳошимжон Ўринбоевич Ҳайдаровнинг айни вақтда вилоят бокс федерацияси раиси ҳам эканлиги айни муддао бўлди. Бу бинони сотиб олиш ташвишида юрганимда мени чақириб: «Рустамжон, ҳаммасидан хабаримиз бор. Бокс залингиз йўқлиги, елиб-югураётганингизни кўриб турибмиз. Сизга қишлоғингиздаги ўша «Пахтакор» қишки кинотеатрини сотиб олиш эмас, инвестиция киритиш шарти билан бепул берилиш таклифини кун тартибига қўйганмиз. Агар шундай қарор қабул қилсак, ўзингиз маблағ топиб таъмирлаб оласизми?» деди. Мен ҳеч иккиланмай, «Ҳа» деб жавоб бердим. Бу инсондан жуда миннатдор бўлдим. Шундай қилиб, ташландиқ кинотеатр менга текинга берилиши ҳаракатларимнинг янада тезлашишига сабаб бўлди. Барибир уни яроқли ҳолатга келтириш, спорт клубига мослаштириш муаммоси ҳам кичик маблағ билан ҳал бўлмаслиги маълум эди. Шунинг учун таъмирлаш ишлари пул борлигида олиб борилар, бошқа пайт тўхтаб турарди. Қўшни қишлоқда худди шундай спорт клуби етмиш миллионга қуриб битказилганини эшитдим. Бунча пулнинг қадрини айниқса тадбиркорлик билан шуғулланиб юрган кишилар яхши билишади. Агар сардаромад ишга маблағ сарфланса, ўз ҳосилини беради ва сармоядор ҳам кам бўлмаслиги аниқ. Биз эса спорт клуби қурилишини орзу қилиб юрибмиз. Усталар бозор нар-

хидан камроқ нархга ишлашга кўнишди. Ҳамқишлоқлар ҳам караб туришгани йўқ. Усталарга галма-галдан ҳар куни овқат етказиб бериб туришди. Мураббийлигимдан ташқари тижорат билан шуғулланганим, оила аъзоларим, дадам, ака-укаларимнинг моддий ёрдамлари муаммоларни ҳал этишда қўл келди. Энди ҳамқишлоқларим учун аллақандай хаёлпараст эмас, жаҳон чемпиони, халқаро мусобақалар совриндорининг устози, дунё кезган инсонга айланган эдим. Бирон мавзуда баҳслашганимизда, «бу бола билмаса гапирмайди» қабiliда муносабат билдирадиган, сўзларимни тинглашадиган, ҳавас билан қарашадиган бўлишганди.

2006 йилга келиб спорт клубимизни куриб битказдик. Авваллари мактаб ҳовлисида арқонлардан тортиб қўлбола ринг ясаб машқ қилиб юрган бўлсак, энди замонавий спорт клубимизда ҳақиқий рингда машқ қилиш имконияти туғилди. Ҳақиқий бокс рингини эса спорт клубимиз тўла таъмирдан чиққач «Юртбошимизнинг совғаси» деб «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси раҳбарияти топширди. Ўша вақтда ринг саккиз миллион сўм турарди. Шунингдек, яна икки миллион сўмлик бошқа спорт жиҳозлари совға қилинди. Энди бокс мактабимиз кенг ва ёруғ бўлиб, бокс қоплари, махсус тренажёрлар билан жиҳозланган, ювиниш, ечиниш хоналари, мураббийлар учун махсус хонаси бор эди. Мактабимизнинг расмий очилиши катта тантанага айланиб кетди. Ҳамқишлоқлар, қачонлардир боксни ўрганиб кетган шогирдларим тўпланишди. Вилоят, туман ҳокимлигидан вакиллар ташриф буюришди. Шунингдек, тантанали маросимга республикамизнинг бир қанча вилоятларидан меҳмонлар ҳам келишди. Халқаро тоифадаги ҳакам, «Шуҳрат» медали соҳиби, жиззахлик Шавкат Бадалов, халқаро тоифадаги ҳакам, хоразмлик Баҳодир Жуманиёзов, халқаро тоифадаги ҳакам Абдуқаҳҳор Мирзаакбаров, ўша вақтларда ёшлар терма жамоасининг бош мураббийи, республикамизда хизмат кўрсатган спорт устози Мансур Маҳмудов ҳамда устозим, халқаро тоифадаги АИБА ҳаками Станислав Бугаев, машҳур боксчилардан Элшод Расуловларнинг ташрифи ёшларнинг боксга бўлган меҳри янада ошишига сабаб бўлди. Биргина қишлоққа шунча номдор спорт усталарининг

келиши эътиборсиз қолмаслиги аниқ. Спортчиларимизнинг халқаро ва республика мусобақаларида эришган ютуқларини кўз-кўз қилиб медаллари, фахрий ёрлиқлари, кубок, фотосуратларини осиб қўйдик. Шу кунги тадбирларни «Ўзбекистон» телеканалининг «Ахборот», «Спорт» телеканалининг «Хабарлар» дастурларида кўрсатишди. Бу бизга янги чемпионларни тарбиялаш масъулиятини юкларди. Азиз Раҳмонов 2001 йилда Фарғона давлат университетининг жисмоний тарбия факультетига имтиёзли грант асосида ўқишга қабул қилинди. У ўсмирлар ўртасида икки карра, ёшлар ўртасида икки карра, катталар ўртасида уч карра Ўзбекистон чемпиони бўлган.

Бошқа биронта ҳам шогирдим Азиз Раҳмонов даражасида зафар кучмагани сабабли 2006 йилга келиб, «Рапқондан чемпион бир чиқиб қолдида» дегувчилар ҳам пайдо бўлиб қолган эди. Лекин бу гапларга Азиз Раҳмоновга ҳавас қилиб бокс билан шуғуллана бошлаган шогирдим Зоҳиджон Султонов чек қўйди.

ЗАФАРЛИ ЮРИШЛАР

Зоҳиджон Султонов – 1989 йил 9 октябрда Фарғона вилояти Бешариқ шаҳрида туғилган. 2005 йилги Ўзбекистон чемпионати ғолиби. 2005 йилги (Англия) жаҳон чемпионати иштирокчиси, 2006 йили ўсмирлар ўртасида (Вьетнам) ўтказилган Осиё чемпионати ғолиби ҳамда жаҳон чемпионатининг (Туркия) кумуш медали соҳиби.

* * *

Зоҳиджоннинг аввалига Осиё чемпионатида ташриф буюрган ўн бешта давлат боксчилари орасида тенгсиз дея топилши, орадан икки ой ўтгач жаҳон чемпионатида финалгача етиб бориши айтиш муддао бўлди. Айниқса, бокс мактаби очилганига ҳали ҳеч қанча бўлмай уни бундай ғалабаларни қўлга киритиши интилиш ва меҳнатларимизнинг зое кетмаслиги исботидек эди. Азиз Раҳмоновдек боксчимиз «тасодифан бир чиқиб қолмаганлиги»ни кўриб қўйинглари, деги-

миз келарди. Энди бокс мактабимиз бор. Чемпионларимиз бундан-да кўпроқ бўлишига ишончимиз мустаҳкамланганди. Болалар ҳам, табиийки, машғулотларга ўзгача эътибор билан қарашадиган бўлишлари аниқ. Ахир Зоҳид Султонов Азиз Раҳмоновга ҳаваси туфайли бу ютуқларга эришганди-ку. Ажаб эмас, Зоҳиджоннинг ютуқларига бўлган ҳавас яна кимнидир шоҳсупага олиб чиқса.

Зоҳид Султонов рапқонлик эмас. Бешариқ шахрида яшаб, машғулотларга Рапқон қишлоғига велосипедда қатнарни. Бешариқ ва Рапқон орасидаги масофа нақд 12 километр бўлиб, Зоҳиднинг уйигача яна 3 километр эди. Айниқса, машғулотлардан кейин велосипед ҳайдаш ҳам қийинлашарди. Қолаверса, Рапқон қишлоғи Бешариқ шахридан пастроқда жойлашгани сабабли 15 километр масофа кишлоққа келиш учун енгиллик яратар, қайтаётганда эса, аксинча, баландликка чиқиш ҳисобидан қийинчилик туғдирарди. Лекин болакайнинг иродаси, йиллар давомидаги мунтазам машқлари натижаси жаҳон ва Осиё чемпионатлари шоҳсупасининг юқори поғонасидан жой эгаллашига сабаб бўлди. Бунда Республика олимпия заҳиралари коллежи мутахассисларининг ҳам ҳиссалари бор, албатта.

Зоҳид Султонов боксни Рапқонда ўрганиб, ўқишни Тошкентда давом эттирди. Ҳар йили Республика олимпия заҳиралари коллежига шогирдларимни олиб келсам, уларга алоҳида қизиқиш билан қарайдиган бўлиб қолишди. Чунки улар мураббийлар кутган натижаларни беришарди. Зоҳиджоннинг зафарли юришлари бир йил олдин бошланиши ҳам мумкин эди. 2005 йилги Ўзбекистон чемпионатидаги ғалабаси унга Англиянинг Ливерпуль шахрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига йўл очиб берди. Мен ҳакам сифатида мусобақада иштирок этдим. Афсуски, Зоҳиджоннинг омади келмай, берилган имкониятдан умумли фойдалана олмади. Ўзимизни туристлардек ҳис қилган ҳолда Англияни айланиб, диққатга сазовор жойларини томоша қилиб қайтиш билан кифояландик. Дунёга донғи кетган «Ливерпуль» футбол жамоаси ўйнайдиган «Энфилд Роуд» стадионига кириб чиқиш учун борганимизда, афсуски, ўша кун футбол матчи йўқ экан. Стадион маъмури-

ятини кўндириб, барибир стадионга кириб чиқдик. Инглизлар спортчи эканимизни, ўзга юртдан мусобақага келганимизни тушуниб, бизга илтифот кўрсатишди. Мусобақа тугагунича энди бўш вақтимиз кўпайиб қолганди. Ундан кўра совриндорлар сафидан жой олганимиз қанчалар тотлилизини мен кўпроқ ҳис қилардим. Чунки буни аввалроқ ҳис қилиб кўрганлигим сизга маълум.

Келаси йили эса Вьетнамда бўлиб ўтган Осиё чемпионати олтин медали Рапқон қишлоғи коллекциясига янгилик бўлиб қўшилди. Ҳали қишлоғимизда Осиё чемпионати медали йўқ эди. Ундандануфузли жаҳон чемпионати каби мусобақаларнинг бир неча медаллари бор-у, аммо Осиё чемпионатининг биринчи медалини Зоҳиджон Султонов олиб келди. Аэропортда алоҳида эътибор билан кутиб олишлари, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши, кейинчалик алоҳида кўрсатувлар тайёрлаб кўрсатишлари янада ўзгача завқ бағишларди. Энди мухбирларга интервью беришда ҳам тажрибамиз ошиб қолган, микрофон, камера олдида ҳаяжонланишлар йўқолганди. Худди рингдагидек далил гапира оладиган бўлдик. Бундай журъатни чемпионлик медаллари берди.

Орадан икки ой ўтгач Зоҳид терма жамоа сафида Туркияга, жаҳон чемпионатига жўнаб кетди. Жаҳон чемпионатининг финалида украиналик Дмитро Дядевичга очколар ҳисобидан жангни бой бериб, Осиё чемпионатининг олтин медалига жаҳон чемпионатининг кумуш медалини қўшиб қўйди. Бу билан Зоҳиджон Султонов терма жамоа таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, халқаро турнирларга бора бошлади. Ўша йили Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан чемпион шогирд тайёрлаганим учун менга «Атлант» музлатгичи совға қилишди. Совғанинг қийматига эмас, заҳматнинг қадрига эътибордан қувондим.

Зоҳиджон Султонов 2007 йили Украинада, Германияда, 2008 йили Россияда ғолиб ва совриндорлар каторидан жой эгаллади. Унинг бу юрт кезишларига, қолаверса, бошқа шогирдларимнинг ҳам чет эл мамлакатлари бўйлаб юришларига ҳамма ҳавас қиларди. Жаҳон ва Осиё чемпионатлари каби расмий мусобақаларда ғолиб ҳамда совриндор бўлган шогирд-

ларимдан ташқари халқаро хотиравий турнирларда иштирок этувчи шогирдларим ҳам кўпайиб бораверарди. 2007 йили спортдаги эришган натижалари эвазига Зоҳид Султонов Кўкон давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетига давлат гранти асосида имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.

ГАЛАБАЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Олимжон Алиқулов – 1988 йил 15 ноябрда Фарғона вилояти Бешарик туманининг Адиробод қишлоғида туғилган. Бокс билан 1999 йилдан шуғулланишни бошлаган. 2005 йилги Ўзбекистон чемпионати ғолиби. 2005 йилги (Англия) жаҳон чемпионати ва 2006 йили ўсмирлар ўртасида (Вьетнам) ўтказилган Осиё чемпионати иштирокчиси.

Олимжон Алиқулов Раққон бокс мактабига қўшни қишлоқдан қатнардир. Адирободдан худди Зоҳид Султоновга ўхшаб велосипедда келарди. Боксга бўлган қизиқиши йўлида орадаги масофанинг ҳам аҳамияти йўқ эди. У Зоҳид Султоновдан аввалроқ бокс билан шуғулланишни бошлаб у каби жаҳон ва Осиё чемпионатларида иштирок этиш шарафига муяссар бўлди. Аммо берилган имкониятдан унумли фойдалана олмади. Қаердадир хато ўтган. Балки вақтида ухламагандир, спортчилар кун тартибига риоя қилмагандир. Олимжон машғулотларни қолдирмас эди. Ҳеч қандай хатога йўл қўймаган бўлсада, ҳақиқатдан ҳам рақиби қучлилиги сабабли унинг омади келмаган бўлиши мумкин. Агар Олимжон ҳам жаҳон ва Осиё чемпионати совриндорлари қаторидан ўрин эгаллаганида, бу, албатта, аваламбор, юртимиз шаъни учун, қолаверса, бокс мактабимиз нуфузи учун хизмат қилган бўларди.

Ҳар бир берилган имконият ягона бўлиши мумкинлигини ўйлаб рингга кўтарилиш керак эканлигини тушуниб етдик. Олимжон 2006 йили Тожикистонда ўтказилган халқаро турнирда ғолиб бўлди. 2007 йили Бекободда ўтказилган халқаро

турнирда совриндорлар каторидан жой эгаллади. Энди ўсмирлик даври ортда қолиб, катталар сафида мусобақаларда қатнашиш лозим. Катталарда эса рақобат ҳам катта. Терма жамоа таркибига тушишнинг ўзи бир бахт. Катталар сафида бир неча ўн йиллардан бери икки юз, уч юзга яқин жанг ўтказган боксчиларга қарши жанг ўтказиш осон эмас. Ўсмирларда ўзи қатори тенгқурларига бас келиш бироз енгилроқ. Олимжон Алиқулов 2008 йили Қирғизистонда ўтказилган халқаро турнирдан олтин медаль билан қайтди. Ўзбекистон чемпионатларида қатнашишда давом этмоқда. Бокс бўйича спорт устаси. Унинг нуфузли турнирлардаги ғалабалари ҳали олдинда. Айни кунларда бокс бўйича мураббийлик қилмоқда.

АКАСИГА МУНОСИБ УКА

Акмалжон Раҳмонов – 1990 йил 21 ноябрда Фарғона вилояти Бешариқ туманининг Рапқон қишлоғида туғилган. 2005 йили Қарши шаҳрида, 2006 йили Термиз шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатлари ғолиби. 2007 йилги (Боку) жаҳон чемпионати иштирокчиси, шунингдек, 2007 йили (Олма-ота) Осиё чемпионатида совриндорлар сафидан жой олган.

Акмалжон бокс билан 2001 йилдан шуғулланишни бошлаган. Акаси Азиз Раҳмоновнинг жаҳон чемпионатидаги ғалабаси унинг боксга келишига сабаб бўлган. 2007 йили Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирдан олтин медаль билан қайтгач, миллий чемпионатлардаги ғалабаларини ҳам ҳисобга олиб унга терма жамоа сафида жаҳон чемпионатида боришга рухсат беришди. Бокудан жаҳон чемпионатининг медалини олиб кела олмадик. Аммо менга мусобақанинг «энг яхши ҳаками» учун таъсис этилган биллур совринни Халқаро бокс федерацияси (АИБА) президенти Чинг Куо Ву тантанали равишда топширди. Дунёнинг бир қанча мамлакатларидан ташриф буюрган ҳакамлар орасидан мени «энг яхши ҳакам»

деб тан олишлари қалбимда ўзгача ғурур уйғотди. Жаҳон чемпионатларида шогирдларимни тақдирлашганида уларнинг ёнида туриб жаҳон чемпионининг мураббийига бериладиган медаль олганимда ҳам босиб ўтган машаққатли йўлимиз, меҳнатларимиз самарасини кўриб қийинчиликлар унут бўлиб кетар, қувончдан осмонда учиб юрардик. Жаҳон чемпионлари эса ҳар бир вазнда бор бўлиб, уларнинг мураббийлари ҳам мусобақада ягона эмасдилар. Махсус совғани эса, яъни «энг яхши ҳакам» учун таъсис этилган мукофотни бир кишига беришади. Бу ҳолат ўзбекистонлик спорт мутахассислари жаҳонда энг зўр деган маънони беради.

Орадан икки ой ўтиб Акмал Раҳмонов билан Олма-отадан Осиё чемпионатининг бронза медалини Ўзбекистонимизга олиб қайтдик. Зоҳид Султоновнинг ғалабаси Азиз Раҳмоновнинг зафарли юришига уланиб чемпионлар битта эмаслигини исботлаган бўлса, Акмал Раҳмоновнинг Осиё чемпионатидан олиб келган бронза медали ёш боксчиларимизни янада руҳлантириб юборди. «Энди бизни ҳеч ким тўхтата олмайди» дегимиз келарди. Ҳар йили ёки икки, уч йилда битта нуфузли халқаро мусобақадан медаллар келиб турса ҳам юртимиз номининг дунё бўйлаб ёйилишига ўз хиссамизни қўшаётганимизни хис қилиб турамиз. Бундан шарафли туйғу бормикан. Ёш Акмалжоннинг катта спортдаги энг нуфузли ва илк соврини Осиё чемпионатининг бронза медали бўлиб, уни ўн етти ёшида қўлга киритди. 2008 йили Украинада ўтказилган халқаро мусобақада совриндорлар сафидан жой эгаллади. Эришган натижалари учун Тошкент давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга қабул қилинди.

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Равшан Абдуназаров — 1993 йил 2 январь кuni Фарғона вилояти Бешарик туманининг Рапқон қишлоғида туғилган. 2006 йили уни Тошкентдаги Республика олимпия захиралари коллежига ўқишга олиб келдик. Бокс кафедраси мудири Ман-

сур Маҳмудов Равшанни рингга чиқариб, жангда кўриб, келажаги борлигини таъкидлади. У ўз вазнида коллежга хужжат топширган рақибларидан тезкорлиги, зарбасининг кучлилиги билан ажралиб турарди. Имтиҳонда Мансур Маҳмудовнинг «нокаутни эмас, техникани кўрсат» деган талабига мос техник жиҳатларини ҳам намойиш эта олди.

2008 йили Олмаликда, 2009 йили Ангренда ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатларида олтин медалларни қўлга киритди. 2008-2009 йиллари ўнлаб халқаро турнирларда кетма-кет ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олди. 2009 йили, шунингдек, Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида совриндорлар сафидан жой олди. Рақибларини ишончли ғалабалар билан ютиб, ярим финалда ирландиялик кучли боксчи Жозеппе Вардга карши жанг олиб борди. Ярим финалгача барча рақибларини нокаутлар билан мағлуб этиб келаётган ирландиялик боксчи фақатгина Равшан Абдуназаровни очколар ҳисобидан ютаолди. Равшан Абдуназаров мамлакат терма жамоаси сафида жамоадошлари қўлга киритган медаллар сонини яна биттага ошириб ватанимизга кайтди. Рапқон бокс мактаби коллекциясидан жаҳон чемпионатининг бронза медали ўрин эгаллади. Равшан Абдуназаров 2010 йили Фарғона давлат университетининг жисмоний тарбия факультетига давлат гранти асосида имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.

КУЧ, ТАЖРИБА, ЧАҚҚОНЛИК ЗАРУР

Шоҳжаҳон Эргашев – 1991 йил 12 декабрда Фарғона вилояти Бешариқ туманининг Рапқон кишлоғида туғилган. 2005-2006 йиллари ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони, 2007 йили Ўзбекистон чемпионатида бронза, 2008 йили эса кумуш медалларга сазовор бўлган. 2006 йили Тожикистонда, 2007 йили Жиззахда, 2008 йили Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирлар ғолиби. Бокс билан 2001 йилдан бери шуғулланиб келади. Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган республика

биринчиликларида ғолиб ва совриндорлар сафидан жой эгаллаган бўлишига қарамай бирон маротаба ҳам терма жамоа сафида жаҳон ва Осиё чемпионатларига бориш насиб этмаган. Мусобақаларгача бўлган ўқув йиғин машғулотларига жалб қилинар ва охирги кунларда ўтказиладиган спаринг жангларида муваффақиятли иштирок этиб, мenden: «Энди бораманми?» деб сўрар, мен эса унга нима деб жавоб қайтаришни билмасдим. Чунки мен унга ҳар доим, «Кучли, тажрибали, чаккон боксчи бўлсанг, мусобақаларда ютсанг кейинги нуфузлироқ мусобақаларга қўйишади. Аввалига республика, кейин жаҳон миқёсидаги мусобақаларда иштирок этасан», деб уктириб келардим. Аммо у ҳаммасини айтганимдек бажарсада республика ғолиблигидан у ёғига ўтишга имкон берилмасди. «Нега ундай бўлди?» деб сўраса жавоб қайтара олмасдим. Терма жамоа бош мураббийлари баъзан мамлакат биринчилиги ғолибини эмас, совриндорларини халқаро мусобақага олиб кетиши мумкин. Чунки терма жамоага бош мураббий масъул бўлиб, унинг қарорини ҳеч ким бекор қилмайди. «Билмаса бир иш қилмайди» дейилади.

ОМАДЛИ СПОРТЧИ

Жавлон Чўлпонов – 1991 йилда Фарғона вилояти Бешарик туманининг Рапқон қишлоғида туғилган. Бокс билан Азиз Раҳмонов жаҳон чемпионлигига эришгач, яъни 2001 йили шуғулланишни бошлаган. 2004-2007 йиллари Тошкент, Андижон, Наманган, Ангрен, Қўқон, Олмалик, Жиззах шаҳарларида ўтказилган турнирларда ғолиб ва совриндорлар каторидан жой эгаллаган. 2006 йили Жиззахда ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика биринчилигида кумуш медални, Тошкентда ўтказилган «Олимпия умидлари» республика турнирининг олтин медалини қўлга киритган. 2008 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, жаҳон кубоги соҳиби В.Н.Шин соврини учун анъанавий ўтказиладиган халқаро турнирда 51 килограммгача бўлган вазнда олтин медални қўлга киритди. 2009 йили Навоийда ўтказилган Ўзбекистон биринчилиги-

да шохсупанинг энг юқорисидан жой олиб, Ўзбекистон чемпиони ва «Спорт устаси» фахрий унвонига сазовор бўлди. Қизиғи шундаки, унинг ҳар бир ғолиблик жанглари ўсмирлик давриданок матбуотда кенг ёритилиб келинган. Ҳар сафар у ғолиблик шохсупасидан жой олганида айнан ўша мусобақага телевидениедан мухбирлар ташриф буюришган бўлиб, ғолиб ва совриндорлар кўп бўлишига қарамай айнан ундан интервью олиб кетишган бўлади. Жаҳон ареналарида кўринишга улгурмай Рапконда юлдузлар сафидан жой эгаллаб улгурган омадли спортчилардан бири. Лекин юлдузлик касалига чалинмаган. Чунки қишлоғимизда жаҳон ва Осиё чемпионлари борлигини жудаям яхши тушунади.

БОШҚА ШОГИРДЛАРИМ ҲАҚИДА

Ботирбек Ҳабибуллаев – 1989 йили Фарғона вилояти Бешариқ туманининг Рапкон қишлоғида туғилган. Бокс билан 2000 йилдан бери шуғулланиб келади. 2006 йили Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган. Шунингдек, ўша йили Андижон шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ғолиблар сафидан жой олди. 2007 йили Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланган. 2008 йили Қирғизистонда ўз маҳоратини намойиш этиб, халқаро турнир совриндорига айланди.

* * *

Даврон Омонов – 1991 йили Фарғона вилояти Бешариқ туманининг Қашқар қишлоғида туғилган. Бокс билан 2001 йилдан бери шуғулланиб келади. 2006 йили Жиззахда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритди, 2008 йили Ангрен шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади. Шунингдек, 2007 йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинадиган ёшлар ўртасидаги «кучлилар» мусобақасида ғалабага эришиб, кучли эканлигини исботлади.

* * *

Барҳаёт Исматуллаев – 1990 йили Фарғона вилояти

Бешариқ туманининг Чимбой қишлоғида туғилган. Бокс билан 2000 йилдан бери шуғулланиб келади. 2005 йили Қарши шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика биринчилигида бронза медали билан тақдирланган. 2006 йили Қозоғистонда халқаро турнирда ғолибликни қўлга киритган. 2007 йили Қўқон шаҳрида Ўзбекистон чемпионатининг яна бир бора бронза медалига лойиқ деб топилди. 2008 йили эса яна Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирдан олтин медаль билан қайтди.

* * *

Зухриддин Ҳамроқулов – 1990 йили Фарғона вилояти Бешариқ туманининг Чимбой қишлоғида туғилган. Бокс билан 2001 йилдан бери шуғулланиб келади. 2005 йили Андижонда ўтказилган хотира турнирида ўзини кўрсатиб, олтин медаль билан қайтди. 2006 йили Тошкентда ўтказилган халқаро турнирдан кумуш, 2007 йили Қозоғистонда олтин ва орадан бир йил ўтгач яна Қозоғистон республикасида кумуш медаль билан тақдирланган. 2008 йилги Ўзбекистон чемпионати совриндори.

* * *

Эътибор берган бўлсангиз, боксчиларимизнинг ҳаммаси ҳам Рапқон қишлоғидан эмас. Кўплари бокс билан 2000-2001 йилдан шуғулланишни бошлашган. Ундан авваллари ҳам кўплаб шогирдларим мусобақаларда иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой эгаллашган, аммо йигирма биринчи аср барибир биз учун қутлуғ келди. Халқаро мусобақаларда эришилган ютуқларимиздан ортиб бораётган медаллар сонидан ташқари, янги асрда боксчиларимизнинг сони ҳам ошди. Қўшни қишлоқлардан, туман марказидан катнаб бокс билан шуғулланиш учун кучли ирода талаб этилади. Ҳозирги кунга келиб қўшни қишлоқларда ҳам, туман марказида ҳам бокс секциялари очилган. Уларнинг барчасида шогирдларим ёшларга бокс сирларини ўргатишмоқда. Мен учун фахрли тарафи шундаки, қўшни қишлоқдаги бокс секцияларига қатнашаётган болалар шогирдларимнинг шогирдлари ҳисобланиб, мени устозимизнинг устози деб аташади. Ҳар йили Рапқон қишлоғи кубоги учун мусобақалар ўтказамиз, туман биринчиликларини ҳам Рапқонда ўтказган пайтларимиз кўп бўлади. Чунки

энди қишлоғимизда барча керакли шарт-шароитлар бор. За-
монавий типда қурилган спорт залига қирган ёш боксчилар
ўзларини ҳақиқий катта спортга кириб келаётганларини ҳис
этадилар. Пойтахт болаларидан ҳечам кам бўлмаган шароитда
машғулотларни ўтказадилар. Бу шарт-шароитларнинг меваси-
ни эса, албатта, аввалгидан бир неча ҳисса кўпайган ҳолда бир
кун келиб кўрамиз.

* * *

Бобурмирзо Аскарлов – 1983 йил 3 мартда Фарғона вилояти
Бешариқ туманининг Рапқон қишлоғида туғилган. Бокс билан
1992 йилдан бошлаб шуғулланиб келмоқда. 1997 йилдан 2000
йилгача Жиззах, Самарқанд, Наманган, Фарғона шаҳарларида
ўтказилган республика биринчиликларида қаторасига тўрт
қарра ғолибликни қўлга киритган.

2000 йили ёшлар ўртасида Қўқонда ўтказилган мамла-
кат биринчилиги совриндори. Шу йили Чирчиқда катталар
ўртасида ҳам ўтказилган мамлакат биринчилигида ўз кучини
синаб кўриб, совриндорлар қаторидан жой олган. «Спорт уста-
си» нормативини бажариб, давлат гранти асосида, имтиёзли
равишда ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлди. Фарғона давлат
университетининг жисмоний тарбия факультетида таҳсил ол-
ган. Бобурмирзо Аскарлов Жалолобод, Чимкент, Туркистон,
Ангрен, Навоий шаҳарларида ўтказилган халқаро турнирларда
ғолиб ва совриндорликни қўлга киритган. Ҳозирда Бешариқ
тумани халқ таълими бўлимида жисмоний тарбия услубиётчи-
си бўлиб ишлаб келмоқда.

* * *

Абдулатиф Избосаров – 1970 йили Бешариқ туманининг
Янгиқўрғон қишлоғида туғилган. Бокс мураббийлигини бош-
лаган йилларимдаги биринчи шогирдларимдан. 1986 йили
Ангрендаги педагогика билим юртининг жисмоний тарбия
йўналишида ўқиб юрган чоғида мураббийи Рустам Умаров
илк маротаба қўлига қўлқопларини кийдириб бокс сирлари-
ни ўргатган. Ҳарбий хизматдан (1998-1991) қайтгач Рапқонда
бокс билан жиддий шуғулланишни давом эттирди. 1992-1998
йиллар оралиғида Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистонда
ўтказилган кўплаб халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор-
лар қаторидан жой олиб, «Спорт устаси» нормативини ба-

жарган. Фарғона давлат университетининг жисмоний тарбия факультетига имтиёзли грант асосида кириш ҳукукидан фойдаланган. 2006 йили Рапқон бокс мактабининг расмий очилиш маросимида келиб асосий ташкилий ишларда анча ёрдам берган.

* * *

Холик Мирзанеъматов – 1976 йили Фарғона вилояти Бешариқ туманининг Янгиқишлоқ кишлоғида туғилган. У ҳам илк қалдирғочларимдан. 1987 йилдан бокс билан шуғулланишни бошлаган. Республика микёсидаги ҳамда халқаро мусобақаларда иштирок этиб, бошқа шогирдларим қатори ғолиб ва совриндорликни қўлга киритган. Спорт устаси. Фарғона давлат университетининг жисмоний тарбия факультетига имтиёзли грант асосида қабул қилинган. 2007 йили Бешариқ туманидаги 43-ўрта мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

* * *

Ихтиёр Отажонов – 1985 йил 10 февраль куни Фарғона вилояти Бешариқ туманининг Рапқон кишлоғида туғилган. 1997 йилдан бошлаб бокс билан шуғулланиб келади. «Спорт устаси» унвонига эга. 2001 йили Ангренда ўтказилган халқаро турнир ғолиби. 2002 йили Олмалиқда, 2003 йили Фарғонада ёшлар ўртасида ўтказилган республика чемпионатларининг кумуш медали соҳиби. 2003 йили Россиянинг Челябинск шаҳрида ўтказилган халқаро турнирдан олтин медаль билан қайтган. 2004-2008 йилларда ўтказилган республика ва халқаро турнирларда иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олган. Имтиёздан фойдаланган ҳолда Қўқон давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирган. Ҳозирда Рапқон кишлоғидаги маиший хизмат кўрсатиш ва педагогика касб-хунар коллежида жисмоний тарбия фанидан дарс бериб келмоқда.

* * *

Улуғбек Маҳмудов – 1985 йил 27 январь куни Фарғона вилояти Бешариқ туманининг Янгиқўрғон кишлоғида туғилган. 2000 йилда Қорақалпоғистон республикасининг Хўжайли шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда олтин медални қўлга киритган. 2001 йили Ангренда ўтказилган

халқаро турнирнинг ярим финал баҳсларида андижонлик номдор ракиби, жаҳон чемпиони Баҳодир Султоновга қарши рингга кўтарилиб, очколар ҳисобида имкониятни бой берган ва бронза медали билан тақдирланган. Улуғбек Маҳмудов 2002-2009 йиллар оралиғида бир неча бор Тошкент, Жиззах, Ангрен, Андижон, Фарғона, Наманган, Ўш, Чимкент шаҳарларида ўтказилган халқаро турнирларда муносиб иштирок этиб, ғолиб ва совриндор бўлган. «Спорт устаси» нормативини бажарганлиги сабабли спорт соҳаси бўйича институтга имтиёзли равишда ўқишга кириши ҳам мумкин эди. Аммо у Ўзбекистон давлат миллий университетининг тарих факультетини ва Тошкент давлат юридик институтини тамомлади.

Баҳромжон Фозилов – 1997 йил 6 январь куни Бешариқ туманининг Бешкада қишлоғида туғилган. 2008 йилдан бери бокс билан шуғулланади. У боксга кириб келганида Рапқон қишлоғи ўзининг жаҳон ва Осиё чемпионлари билан фахрлана оларди. Чемпионларимизга ҳавас қилиб ота-оналар фарзандларини боксга беришлари оддий ҳолга айланганлиги Баҳромжоннинг катта боксдаги дастлабки қадамлари муваффақиятли чиқишига олиб келган десак, муболаға қилмаган бўламиз. 2013 йил апрель ойида Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги бокс бўйича Осиё чемпионатида Баҳромжон Фозилов юртимизга фахрли иккинчи ўрин учун берилган соврин ва кумуш медални олиб келди. Шунинг билан Рапқон бокс мактаби медаллари коллекциясини яна битта медалга тўлдирди. Ўшанда отаси Маманазар аканинг кўзларидаги қувонч ёшларини кўрган киши уларга ҳавас қилмай туролмасди.

Орадан кўп ўтмай, 2013 йилнинг июнь ойида Тошкентда, Сидней Жаксон номидаги янги қурилган, муҳташам 8-бокс мактабида ўтказилган нуфузли халқаро турнирда иштирок этиб, ғолиблик шохсупасидан жой олди. Унда Озарбайжон, Россия ва қозоғистонлик боксчилар иштирок этиб, малакаларини оширдилар. Бу нуфузли турнирда қатнашган боксчиларнинг ҳар бири, авваламбор ўз мамлакатининг чемпионлари, қолаверса, кўплари Европа чемпионатларининг ғолиб ва совриндорлари бўлиб, техник кўникмаларини синовдан ўтказгани келишган эди. Финалда Баҳромжон Фозиловга рўбарў келган қозоғистонлик Жумагелди Раев ҳам ўзининг

махоратини намоиш этиб, финалгача рақибларини биринкетин яққол устунлик билан мағлуб этди. Финалда эса рингга чиққани йўқ. Мусобақа информатори микрофонда «саломатлиги сабабли» дея эълон қилди. Жумагелди Раев олдинги ўтказган жангларини муддатидан аввал, ўзини эркин тутган ҳолда, енгил якунлаган эди. Баҳром Фозилов у билан жангга жиддий тайёрланди. Қолаверса, Жумагелди Раевнинг Баҳром Фозилов билан ўзаро ҳисоб-китоблари ҳам бор эди. Баҳром Осиё чемпионатида Жумагелдининг йўлига тўғаноқ бўлиб, уни ўз юртида мағлуб этганди. Кетма-кет берилган зарбалардан Қозоғистон вакили нокдаун ҳолатига тушган, жанг рефериси санай бошлаганди. Ўша мағлубият аламини олиши мумкинлигини ўйлаб турган чоғда Жумагелди Раев рингга чиқмади. Бу Жумагелди Раев Баҳром Фозиловга қарши бошқа рингга чиқмайди дегани эмас. Реванш олиш навбатини кейинга сурган холос. Вазн тоифалари бир бўлиб турса, улар бир-бирларининг хато ва камчиликларини ўрганиб, яна жангга чиқаверишади. Ҳозирча эса дастлабки қадамлар муваффақияти ва олдиндаги ғалабаларга ишонч завқи билан яшаш даркор. Чунки Баҳромжон Фозилов эндигина ўн олти ёшда. Ҳали ҳаммаси олдинда, дея оламиз.

* * *

Шогирдларимнинг ўқимишли, зиёли инсон бўлиб етишадиганлари мени жуда қувонтиради. Рапқонлик спортчилар ҳақида Тошкентдаги Республика олимпия заҳиралари коллежида, Фарғона олимпия заҳиралари коллежида, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтида, Фарғона давлат университетида, Қўқон давлат педагогика институтида билишади. Рапқонлик абитуриентларнинг бу даргоҳларга имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинишлари оддий ҳолга айланиб қолган. Шогирдларим орасида гуманитар фанлар бўйича таҳсил олганлари ҳам борлиги кишлоғимизда нафақат спорт соҳаси ривожланганлиги, балки таълимга ҳам эътибор кучлилигини яққол намоён этади. Рапқонда касб-ҳунар коллежи, мактаблар, санаториялар, кишки ва ёзги спорт мажмуалари мавжудлигини ҳисобга олсак, бу қишлоқнинг шаҳардан қолишмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

Шогирдларимнинг шогирдлари ҳам жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиб ҳамда совриндорлари қаторидан жой олиш-

са, уларда барибир менинг ҳам озми-кўпми ҳиссам борлигини, уларнинг устозларига мен устозлик қилганимни ўйласам, танлаган йўлимнинг тўғри эканлигига иймон келтираман. Рапқонда олий маълумотлилар сафи кенгайган сари қишлоқ турмуш тарзи ўзгариб бориши ҳам аниқ. Зиёлиларимиз асосан спорт соҳасидаги ўқув даргоҳларидан бўлишгани билан улар ўз фарзандларининг ўқишларига ҳам бефарқ қарашмайди. Улар спортчи бўлишмаса ҳам зиёли инсонлар бўлиб етишишлари мумкин. Худди Улуғбек Маҳмудов каби Ўзбекистон миллий университетида ёки юридик институтда таҳсил олишса, улар ичидан ёзувчилар ёки шифокорлар чиқса не ажаб. Чунки қишлоғимизда, юқорида таъкидлаганимдек, бир эмас, учта санатория бор. Рапқон шифобахш табиати билан тиббиёт фанлари докторларини тарбияласа, Муқимий қишлоғимизга бағишлаб сатрлар бағишлаганини назарда тутсак, шоиру ёзувчилар етишиб чиқишига нима ҳалақит бериши мумкин. Фақатгина қишлоғимиз болалари буюк орзулар билан яшаб, уларни амалга оширишга интилишлари керак, ҳолос.

БИЗ УЛАРДАН МИННАТДОРМИЗ

Рапқон бокс мактаби тарбияланувчиларининг муваффақиятларга эришишларида собиқ «Рапқон» ширкат хўжалиги раислари Собиржон Пўлатов, Аҳаджон Мадаминов, Носиржон Холматов, қасаба уюшма қўмитаси раиси Абдумутал Қаҳҳоров, собиқ «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раислари Раҳимберди Эҳсонов, Турсунхўжа Ҳамидов, Юсуфали Акбаров, собиқ «Адиروبод» ширкат хўжалиги бошқаруви раислари Абдуллажон Маҳкамов, Нозимжон Ғаппоровларнинг ҳамда «Рапқон» санаторияси раҳбари Муроджон Эшонқулов, «Ўзбекистон» санаторияси раҳбарлари Ғанижон Ширинов, Рафикжон Юсуповларнинг ҳиссалари катта бўлган. Боксни ривожлантириш ниятида эндигина ҳаракатларни бошлаган пайтларимда улар менга ишонганлар. Қўлларидан келганича ёрдам берганлар. Мусобақадан қайтган ғолибларга совғалар тайёрлаб кўядиган, ўзларининг ҳисобларидан болаларга зиё-

фат уюштириб берадиган саховатпешалар ҳам бор.

Рапқон бокс мактаби тарбияланувчиларини Қозоққўрғон қишлоғида яшовчи «Иzzат» хусусий чойхонаси раҳбари Иzzат Сулаймонов каби саховатли инсонлар қўллаб-қувватлаб туришган. Қозоққўрғонда Рапқондаги каби бокс тўғарагини ташкил этишда бош-қош бўлган. Спортчиларимиз ўртасида мусобақалар ташкил этиб, ғолиб ва совриндорларга эс-далиқ совғалар улашган. Айниқса, боксчиларимизнинг муваффақиятларидан кейин ўйлаган ишимизни келажагига ишониб ҳомийлар сафи аста-секин кенгая борди. Бир неча йил Бешариқ тумани ИИБ бошлиғи лавозимида ишлаган подполковник Баҳром Мазокиров ҳам боксчиларимизнинг ютуқларига жуда катта ҳисса қўшган. Баҳром Мазокиров Бешариқ тумани бокс федерацияси раиси лавозимида ҳам фаолият юритган.

АСОСИЙСИ – ЯХШИ НИЯТ, ЭЗГУ ОРЗУ

Авваллари Ўзбекистон чемпионатлари катталар, ёшлар, ўсмирлар ва кичик ўсмирлар ўртасида ўтказилиб, телевидение орқали кенг ёритилар эди. «Спорт» телеканали очилгач, халқаро турнирлар борган сари кўпайиб, уларни ҳам телевидение орқали янада кўпроқ кўрсатадиган бўлишди. Бу, табиийки, ёшлар ўртасида боксга бўлган қизиқишнинг кучайишига хизмат қиларди. Оддий хотиравий турнирда иштирок этаётган бола ўзини телеэкранда кўриб, шундан сўнг унга ўзи яшаётган маҳалласи, қишлоғида, мактабида қанчалар ҳурмат-этибор кўрсатаётганларини ҳис этгач, нафақат у, балки яқинлари, синфдошлари ҳам боксга қизиқишади, бокс билан шуғулланишади. Ҳар йили мусобақаларда журналистлар шогирдларим ғалабасидан кейин интервью олишарди. Ўшандай интервьюлардан кейин журналистлардан бирига мен ҳам бир куни халқаро турнир ўтказмоқчилигимни айтгандим, у менга қараб, «Рапқон оиреп» халқаро турнири», деб қўшиб қўйди.

2010 йил анча қутлуғ келди. Йил бошидан «Рапқон бокс мактаби» расман «Рапқон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби» номи билан юритиладиган бўлди. 2006 йили қурилиб фойда-

ланишга топширилган кишки спорт мажмуаси таъмирланиб, унинг ёнига янги замонавий ёзги спорт мажмуаси барпо этилди. Унда бокс мусобақаларидан ташқари мини футбол, баскетбол, волейбол мусобақаларини ҳам ўтказса бўлади. Очилиш маросимини «Баркамол авлод» йилига ва мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишлаб ўтказишга қарор қилдик. Мустақиллик байрами арафасида кичик ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказиб, республикамизнинг барча вилоятларидан ва қўшни давлатлардан боксчиларни таклиф этдик. Тадбир «Спорт» телеканали орқали ёритилиб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Мусобақа сўнггида ғолиб ва совриндорларга «Рапқон» сўзи ёзилган медаллар ва фахрий ёрлиқлар топширилганида уларнинг кўзларидаги қувончдан ташкилий ишларда чеккан барча заҳматларимиз унутилиб кетди. Чунки ўйланган режа, орзулар амалга ошаётган эди. Ташриф буюрганларнинг бари қилинган ишларнинг машаққатини баҳолай олишар, шунга яраша макташар, кўнглимизни кўтаришарди. Юртимиз бўйлаб «Рапқон» номи битилган медаллар тарқалиб кетди. Узоқ йиллар давомида боксчилар уларни ўз медаллари коллекцияларида сақлашса ажаб эмас. Қолаверса, худди шундай ёзувли медалларнинг бир жуфти мусобақа ўтказган дастлабки йилимизнинг ўзидаёқ Ўзбекистонимиз ҳудудидан ташқарига ҳам чиқиб кетди. Ахир мусобақамиз халқаро мусобақа эди-ку.

Ёшлигимизда бирор ишга отамизга суяниб қўл урган бўлсак, улғайгач ҳам отамизнинг иштирокларисиз бир иш қилмасдик. «Рапқон» ёзги спорт клубини ишга туширишда дадамга қарашли «Аҳмадали Мажидов файзи» фермер хўжалигининг ҳомийлик ёрдами ҳар доимгидек асосий омил бўлди. Айни пайтга келиб бутун Рапқон қишлоғи худди шундай бир тану бир жон бўлиб япашга одатланди. Кимнидир қандайдир орзуи бўлса, унга ҳамма бирдек ёрдам беради. Авваллари амалга оширишнинг иложи йўқ бўлган, «хом хаёл» деб баҳоланадиган ҳар бир орзу эндиликда амалга ошиши мумкин бўлган оддий ишдек туюлади ва кутилганидек натижа берадям. Асосийси яхши ният, эзгу орзу бўлса бас.



Рустам Мажидов ва унинг ишончини оклаган шогирди, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Азиз Раҳмонов.

Рустам Мажидов и его воспитанник, оправдавший доверие своего учителя, чемпион мира среди юниоров Азиз Рахмонов.



Ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони, Ўзбекистон кубоги соҳиби Баҳром Фозилов, Олимпиада ўйинлари ғолиби (Сидней, 2000 йил) Муҳаммадқодир Абдуллаевлар билан.

С чемпионом Узбекистана среди юниоров, обладателем кубка Узбекистана Бахромом Фозиловым и победителем Олимпийских игр (Сидней, 2000 год) Мухаммадқодиром Абдуллаевым.



Чапдан: турмуш ўртоғи Ҳидоят Мажидова, фарзандлари Руслан Мажидов, Азизбек Аҳмедов ва «Машғал» радиоканали спорт шарҳловчиси Улугбек Ҳакимжонов (ўртада).

Слева направо: супруга Хидоят Мажидова и дети – Руслан Мажидов, Азизбек Ахмедов, спортивный комментатор радиоканала «Машғал» Улугбек Ҳакимжонов (в центре).



Бокс бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати кумуш медали соҳиби Б. Фозилов ва спорт устаси О. Аликулов билан бирга.

С обладателем серебряной медали чемпионата Азии среди юниоров Б.Фозилковым и мастером спорта О.Аликуловым.



«Сен албатта чемпион бўласан!..»
«Ты обязательно станешь чемпионом!..»



Англия, Ливерпуль шаҳри (2005 йил).
Ливерпуль, Англия (2005 год).



Жаҳон кубоги чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Владимир Шин ва AIBA хаками, 2-даражали «Соғлом авлод учун» ордени сохиби Шавкат Бадаловлар билан бирга (Андижон, 2012 йил).

С чемпионом Кубка мира, заслуженным тренером Узбекистана Владимиром Шин и судьей AIBA, кавалером ордена «Соғлом авлод учун» II степени Шавкатом Бадаловым (Андижан, 2012 год).



«Устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, AIBA хаками Станислав Бутаевдан бир умр миннатдорман...»

«На всю жизнь благодарен своему наставнику, заслуженному тренеру Узбекистана, судье AIBA Станиславу Бутаеву...»



Рапқонлик боксчи Азиз Раҳмонов ёшлар ўртасида биринчи жаҳон чемпиони (Озарбайжон, Боку, 2001 йил).

Боксер из Рапкана Азиз Раҳмонов – первый чемпион мира среди юниоров (Баку, Азербайджан, 2001 год).



Ўзбекистон спорт фахрийси, устоз К. Эгамбердиев билан.

С ветераном спорта Узбекистана, наставником К.Эгамбердиевым.



Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Азиз Раҳмонов билан машғулот пайтида.
Во время тренировки с чемпионом мира среди юниоров Азизом Рахмоновым.



Россиялик спортчи, Олимпиада ўйинлари (Афина, 2004 йил) чемпиони Гайдарбек Гайдарбеков ва халқаро тоифадаги спорт устаси Азиз Раҳмонов билан (Махачқалъа, 2008 йил).

С российским спортсменом, чемпионом Олимпийских игр Гайдарбеком Гайдарбековым (Афины, 2004 год) и мастером спорта международного класса Азизом Рахмоновым (Махачкала, 2008 год).



АІВА президенти Чинг Куо Ву Рустам Мажидовни тақдирламоқда.

Президент АІВА Чинг Куо вручает награду Рустаму Мажидову.



Бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионати иштирокчилари (Вьетнам, Хо Ши Мин, 2006 йил).

Члены сборной молодежной команды Узбекистана по боксу – участники чемпионата Азии (Хо Ши Мин, Вьетнам, 2006 год).



Бокс бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати (Корея, Чеджу шаҳри, 2004 йил).

Чемпионат мира по боксу среди юниоров (г.Чеджу, Корея, 2004 г.).



Бокс бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпиони Зоҳид Султонов билан.

С чемпионом Азии по боксу среди юниоров Зоҳидом Султоновым.



Бокс бўйича ўсмир-ёшлар ўртасида ўтказилган республика очик турнири
ғолибларини тақдирлаш.

Награждение победителей и призёров республиканского открытого турнира
по боксу среди юниоров.



Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати финал қисмида ҳакамлик пайтида
(Боку, 2007 йил).

Во время судейства финальной части чемпионата мира среди юниоров
(Баку, 2007 год).



Бокс бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати хакамлари (Озарбайжон, Боку, 2007 йил).

Судья чемпионата мира по боксу среди юниоров (Баку, Азербайджан, 2007 год).



Хоразмлик АІВА хаками Баходир Жуманиёзов билан(Англия, Ливерпуль футбол жамоасининг музейи олдида, 2005 йил).

С Баходиром Жуманиёзовым, судьей АІВА из Хорезма (у музея футбольной команды Ливерпуля, Англия, 2005 год).



Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ва рапқонлик таниқли шоир Ботир Эргашев рингда. (Бешариқ шахри, 2011 йил).
На ринге Народный артист Узбекистана Озodbek Назарбеков и поэт из Рапкана Ботир Эргашев (г. Бешарык, 2011 год).



«Рапқон» бокс мактаби мураббийлари ва тарбияланувчилари.
Наставники и воспитанники школы бокса «Рапкан».



Китоб муаллифи Саидмурод Соатов билан.
С автором книги Саидмуродом Соатовым.



Сабохон ая ва Аҳмадали ота Мажидовлар ўғиллари билан ҳамиша фахрланадилар.
Родители—Сабохон и Аҳмадали Мажидовы гордятся своим сыном.

ШКОЛА БОКСА РАПКАНА

ВВЕДЕНИЕ

С момента зарождения бокса в нашей стране не прошло еще и века. Несмотря на это, бокс стал для нас таким же своим, как и другие национальные виды спорта, имеющие многовековые традиции. В настоящее время мастера кожаной перчатки Узбекистана занимают достойное место в мировом рейтинге боксеров. Уже никого не удивляют успешные выступления наших представителей, которые регулярно поднимаются на пьедестал почета крупнейших престижных международных турниров.

